Vatanga va xalqqa sadoqat bilan xizmat qilish – oliy burchimiz!

Postda
На посту

2023-yil
20-iyul
payshanba

№ **29** (4619)

O‘zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

JAHON NIGOHI XONOBODDA



Bobur yurti Andijonning eng xushmanzara go‘shasi – Xonobod shahrida shu kunlarda «Dunyo sadolari» xalqaro milliy estrada san’ati festivali bo‘lib o‘tmoqda.

Festivalda Rossiya, Fransiya, Germaniya, Shvetsiya, Chexiya, Bolgariya, Latviya, Polsha, Gretsiya, Serbiya singari dunyoning qator davlatlari estrada san’ati guruhlari, xonandalari ishtirok etib, o‘zlarining milliy san’atlarini namoyish etdi.

Festivalning asosiy tadbirlari – xorijlik san’atkorlarning chiqishlari kech oqshom, festivalning ochilish marosimidan so‘ng boshlandi. San’at ixlosmandlari dunyoga mashhur «Doktor Alban», «Boney M» hamda «Otawan» guruhlarining chiqishlaridan bahramand bo‘lishdi.

Xonobod shahrining Markaziy madaniyat va istirohat bog‘ida o‘zlari uchun ajratilgan maydonlarda Qoraqalpog‘iston Respublikasi hamda yurtimiz viloyatlaridan tashrif buyurgan ijodiy guruhlar, hunarmandlar o‘ziga xos san’ati hamda hunarmandchilik an’analarini namoyish etishdi.

8



QO‘RIQLAYSIZ SHOM-U SAHAR, DILDA VATAN



Surxondaryo viloyati Ichki ishlar boshqarmasi JXX Jamoat tartibini saqlash boshqarmasi patrul-post xizmati batalyoni xodimlari el osoyishtaligini ta’minlash uchun bel bog‘lagan. Ular kun-u tun Termiz shahri ko‘chalari, mahallalarida xizmat olib borib, jinoyatchilikning oldini olish, huquqbuzarliklarni bartaraf etishga o‘z hissalarini qo‘shishmoqda.

Xizmat jarayonida, ayniqsa, Ichki ishlar vazirligi tomonidan berilgan elektromobillar, skuterlar va zamonaviy aloqa vositalari qo‘l kelmoqda. Bu hududdagi kriminogen vaziyat barqarorligini ta’minlash, jamoat tartibini saqlashga xizmat qilmoqda.

Туман ИИБда

ҚОНУНГА ҲУРМАТ РУҲИДА



Вобкент туманида амалга оширилган тезкор-профилактик тадбирлар натижасида умумий жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада камайишига эришилди. Жумладан, жиноят қидирув соҳасидаги жиноятлар 27,6 фоизга камайди. Қолаверса, юз берган жиноятларнинг катта қисми «иссиқ изида» фош этилди.

Профилактика инспекторларининг маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари билан биргаликда олиб бораётган саъй-ҳаракатлари натижасида жорий йилнинг ўтган даврида 29 та маҳаллада умуман жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани учун «яшил» тоифага киритилган, 9 та маҳалла эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жиноятчилик сезиларли равишда камайганлиги сабабли «сариқ» тоифага ўтказилган. Афсуски, 6 та маҳалла «қизил» тоифага олинган. Содир этилган жиноятлар маҳаллаларда ўз вақтида муҳокама қилиниб, келиб чиқиш сабаблари чуқур таҳлил этилмоқда.



Туман ИИБ ҳузуридаги Тергов гуруҳи томонидан ўтган давр мобайнида 50 та жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари якунланди. Жабрланувчига етказилган 315 миллион 688 минг сўм миқдоридаги зарар гуруҳ ходимларининг саъй-ҳаракати билан айбланувчилардан тўлиқ ундирилди.

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш гуруҳи ходимлари фуқароларга идентификацион ID-карталарни расмийлаштириб беришда фаоллик кўрсатиб келишмоқда. Айни кунгача 5386 нафар шахсга ID-карталар расмийлаштирилди. Шунингдек, 3502 нафар фуқарога хорижга чиқиш биометрик паспорти берилди.

Шу билан бир қаторда, ўтказилган тадбирлар давомида паспорт тартиботи қоидаларига амал қилмаган фуқароларга 229 та маъмурий баённома тузилди. Мамлакатимизда бўлиш тартибини бузгани учун 6 нафар чет эл фуқароси ва 3 нафар хонадон эгасига нисбатан ҳам маъмурий баённомалар расмийлаштириб, жарималар ундирилди.

Бир сўз билан айтганда, туман ИИБ ходимлари аҳолининг тинчлик-осойишталигини таъминлаш йўлида бор билим ва маҳоратларини ишга солишмоқда. Шунингдек, улар туман аҳлининг, хусусан ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Мирзоқул АҲАДОВ,
ўз мухбиримиз.

Бухоро вилояти.

Йўл қоидаси – умр фойдаси

ҲУШЁРЛИККА ЧОРЛОВЧИ АВТОКАРВОН

Нурота туманида 78 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Туманда жорий йил бошидан буён 5 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган. Автоҳалокатлар таҳлил қилинганда, уларнинг асосий сабаблари ҳайдовчиларнинг чарчоқ натижасида рулда ухлаб қолиши, бошқарувни йўқотиб қўйиши ҳамда тезликни меъёридан ошириши эканлиги маълум бўлди. Бу каби кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида туман ИИБ ЙҲХГ ходимлари томонидан доимий тарзда тарғибот тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.

– «Маҳаллабай» тизимига бириктирилган 6 та сафарбарлик гуруҳи инспекторлари мактаб, боғча, савдо марказлари ва ташкилотларда тарғибот ишлари олиб боришмоқда. Тадбирлар давомида велосипед, автомототранспортлар, шунингдек ногиронлик ва болалар аравачалари билан ҳаракатланиш бўйича тушунтиришлар бериляпти ҳамда нур қайтарувчи нимчалар тарқатиляпти, – дейди туман ИИБ ЙҲХГ катта инспектори, лейтенант Одил Сафаров.



Ушбу тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида автоҳалокат натижасида пачақланиб, ачинарли ҳолатга келиб қолган транспорт воситалари автокарвони ташкил этиляпти. Бу фуқароларни янада ҳушёрликка чақиришга ҳамда тегишли хулоса чиқаришга ундаши шубҳасиз.

Одам гавжум бўладиган, ҳайдовчилар кўп тўпланадиган жойларга, айниқса, бозор ва автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларига бундай автокарвонларнинг «ташриф буюриши» ҳамманинг эътиборини тортмоқда.

Велосипед, мопед, скутер, трицикл ва мотоцикллар Нуротага ёндош Фозғон шаҳри аҳлининг узоғини яқин қилувчи қулай транспорт воситасига айланган. Аммо ушбу турдаги транспорт воситаларини бошқариш учун ҳам муайян талаблар мавжуд. Фозғон шаҳар ИИБ ЙҲХГ катта инспектори, катта сержант Сухроб Қудратовнинг аҳоли орасида бу борада мунтазам олиб борган тарғибот тадбирлари самара бераётгани натижасида жорий йил бошидан буён ушбу ҳудудда бирор марта ҳам йўл-транспорт ҳодисаси содир этилмаганлиги қувонарли ҳол.

Маҳлиё ХОЛОВА,
ўз мухбиримиз.

Навоий вилояти.



Mustaqillik tengdoshlari

XALQIMIZNING BUNYODKORLIK QUDRATIGA TAYANAMIZ

Istiqlol va erkinlik tushunchasi dunyoning barcha xalqlari uchun birdek muqaddasdir. Ularning har biri ana shu ulug‘ ne’mat tufayli o‘z taraqqiyot yo‘lini tanlaydi, yurt taqdirini belgilaydi, yuksak marralar sari dadil intiladi. Shu bois ko‘p millatli xalqimiz Mustaqillik bayramini katta shod-u xurramlik va iftixor bilan nishonlaydi.



Andijon viloyati IIB JQB katta tezkor vakili, kapitan Islombek Abdug‘aniyev mamlakatimiz istiqlolga erishgan yili tavallud topgan.

U Toshkent davlat texnika universitetini tamomlagach, Baliqchi tumani IIB Patrul-post xizmati batalyoni safdor xodimi, probatsiya guruhi inspektori lavozimida faoliyat olib bordi. Hozirgi egallab turgan lavozimida joriy yil boshidan buyon faoliyat yuritmoqda.

– Eng muhim yutug‘imiz shundaki, mamlakatimizda boshlangan islohotlar ortga qaytmas tus olib, bugungi jamiyatimiz tubdan o‘zgardi. Ma’nan qayta tiklangan jamiyat taraqqiyotini, o‘z oldiga ulkan maqsadlar qo‘yib, ertangi kunga dadil qadamlar bilan odimlayotgan xalqni hech kim to‘xtata olmaydi, – deydi kapitan Islombek Abdug‘aniyev.

Bugun millionlab yurtdoshlarimizning dunyoqarashi o‘zgargan, ular o‘zini ona Vatanning hayoti va taqdiriga daxldor, undagi o‘zgarishlar va islohotlarning bevosita ishtirokchisi deb hisoblaydi. Biz o‘z yuksak maqsadlari sari dadil odimlayotgan birdam xalqimizning bebaho madaniy-ma’naviy merosiga, bunyodkorlik qudratiga tayangan holda, Yangi O‘zbekistonni barpo etib, ko‘ngildagi ezgu orzuyimizni, albatta, ro‘yobga chiqaramiz.

Boris KLEYMAN,
o‘z muxbirimiz.

Andijon viloyati.

Ayol va jamiyat

SAN’ATGA OSHNO QALB

Yozyovon tumani IIB HPB xotin-qizlar masalalari bo‘yicha katta inspektori, podpolkovnik Feruzaxon Ortiqova sohada ish boshlaganiga 15 yil to‘lmoqda. O‘tgan yillar davomida ustozlarning etagini tutib, kasb sir-asrorlarini puxta o‘rgandi. Tizimda boy amaliy tajriba to‘plab, o‘zi ham ustoz darajasiga yetdi.



– Sohani tanlashimga, avvalo, o‘zimdagi havas va ishtiyoq sabab bo‘lgan, – deydi Feruzaxon Ortiqova. – Qolaversa, rahmatli bobom – kapitan Akramjon Mullajonov ham tizimga mehnati singgan insonlardan edi. Keyinchalik tog‘am, podpolkovnik A’zamjon Mullajonov, akam katta serjant Farhodjon Ortiqov ham shu kasbni tanladi. Ularga ergashib, men ham shu sohaga ishga kirdim.

F. Ortiqova ayni paytda tuman oila va xotin-qizlarni qo‘llab-quvvatlash bo‘limi hamda 33 ta mahalladagi xotin-qizlar faollari bilan hamkorlikda xotin-qizlar o‘rtasidagi jinoyatchilik va huquqbuzarliklarning oldini olishga munosib hissa qo‘shayotgan fidoyilardan.

Profilaktik hisobda turgan 22 nafar ayolga mahalla fuqarolar yig‘ini mutaxassislari hamda kayvoni onaxonlardan murabbiylar biriktirilib, huquqshunoslar, psixologlar ishtirokida suhbatlar tashkil etilayotgani jinoyatlar salmog‘ining kamayishida muhim o‘rin tutyapti. Shuningdek, ayollarga nisbatan tazyiq hamda zo‘ravonlik holatlarining oldini olish maqsadida 23 nafar xotin-qizga himoya orderi berildi.



Podpolkovnik Feruzaxon Ortiqova ikkinchi iste’dod sohiblaridan biri. U bolaligidan o‘zbek milliy raqslarini maromiga yetkazib ijro etadi, shirali ovozda qo‘shiq kuylay oladi.

– San’atga bo‘lgan havas va ishtiyoqim bolalik paytlarimdayoq paydo bo‘lgan, – deydi qahramonimiz biz bilan suhbatda. – Turli to‘garaklarda ustozlardan qo‘shiq va raqs sirlarini o‘rganganman. 2002-yilda Farg‘ona politexnika instituti qoshidagi litsey-internatida o‘qiyotgan paytlarimda «O‘zbekiston» telekanali orqali namoyish etilgan «Qizlar davrasi» ko‘rsatuvida qatnashdim.

2003-yilda iste’dodli yoshlarni jamlab, «O‘zbegim yoshlari» ansambli tashkil etildi. Feruzaxon Ortiqova ham ansamblda 2008-yilgacha faoliyat ko‘rsatdi. Shu yillar davomida Belgiya, Germaniya, Fransiya, Malayziya, Xitoy va Hindiston kabi xorijiy davlatlarda bo‘lib o‘tgan xalqaro festivallarda ishtirok etib, o‘zbek milliy san’atining dovrug‘ini jahonga yoyishga munosib hissa qo‘shdi.

Garchi bugun mas’uliyatli lavozimda xizmat qilib, san’atdan biroz uzoqlashgan bo‘lsa-da, qalbidagi san’atga bo‘lgan mehr va ishtiyoq so‘ngani yo‘q. Shu bois qayerdaki yoshlar bilan suhbatlashsa, ularni san’atni sevishga, to‘garaklarga qatnashishga, adabiyot bilan oshno bo‘lishga undaydi. O‘zi ham bo‘sh vaqtida badiiy asarlar o‘qishni yaxshi ko‘radi.

Abduvosit SIDIQOV,
o‘z muxbirimiz.

Farg‘ona viloyati.

Становление

СДЕЛАЛ ПРАВИЛЬНЫЙ ВЫБОР

«Следователь – одна из наиболее сложных, в то же время самых интересных профессий в системе органов внутренних дел», – говорит лейтенант Бахтиёр Мактумов.

С юных лет герой нашего очерка свободное время посвящал чтению книг. На его книжной полке хранились произведения узбекских и зарубежных классиков. Из прочитанного больше всего воодушевляли детективы и приключенческие рассказы. Будучи подростком, он не раз перечитывал произведения Артура Конана Дойла. Его привлекало поведение Шерлока Холмса. Бахтиёр представлял себя на месте детектива, прозорливого борца с несправедливостью. Так начиналась его личная история....

В 2018 году Б. Мактумова зачислили в ряды слушателей Нижегородской академии МВД Российской Федерации. Пять лет учебы пролетели быстро. В 2022 году, после успешного окончания обучения, молодой специалист был назначен на должность следователя следственной группы при ОВД города Кагана.

– Первые рабочие дни захватили меня с головой. Коллектив оказался дружелюбным, но к работе и ритму привыкаю до сих пор. Моим наставником стал майор Умид Юсупов – профессионал, отзывчивый человек, всегда идет навстречу, направит, научит, подскажет, как поступить в той или иной непростой ситуации, – говорит лейтенант Б. Мактумов. – Знания, которые давали в вузе, конечно, являются основой. Однако служебная деятельность требует наработки практического опыта.

План работы герой очерка всегда составляет на неделю. Он придерживается его, выполняет служебные обязанности, решает поставленные задачи, а свободное время отдает культурному развитию и спорту.



Говоря о качествах следователя, Б. Мактумов отмечает:

– Каждое дело требует добросовестного отношения. Важно умение общаться с людьми – потерпевшими, подозреваемыми, свидетелями. Получив информацию, надо правильно ее применить. Расследование любого дела – постепенный подъем по лестнице, на вершине которой – истина.

На молодое поколение сотрудников органов внутренних дел возложена ответственная функция – оправдать доверие граждан. Статус службы в ОВД уже довольно высокий, а значит необходимо не сдавать позиций.

Соб. корр.

Бухарская область.

Анонс

НА ЗАЩИТЕ ПРАВ ЖЕНЩИН

В стране осуществляются целенаправленные меры по повышению активности женщин в экономической, политической и социальной жизни. В реализации данных мер особая роль принадлежит инспекторам по вопросам женщин органов внутренних дел.

– Наша деятельность направлена прежде всего на защиту и обеспечение прав, законных интересов женщин, ограждение их от любых форм притеснения и насилия, раннее предупреждение совершения с их стороны правонарушений, – говорит старший инспектор по вопросам женщин ОПП ОВД Нукусского района подполковник Рита Сарманова. – В центре внимания – работа с несовершеннолетними девушками, состоящими на учете ОВД и образовательных учреждений. Цель – оградить их от неверного шага.





Продолжение статьи Азамата ПИРНИЯЗОВА читайте в № 7 журнала «Qalqon-Щит».

Ферганская область

ЕГО МНЕНИЕ ЦЕННО И ЗНАЧИМО

Майор Миролим Тажибоев в органах внутренних дел служит с 2013 года. В течение нескольких лет он плодотворно работал в подразделении профилактики правонарушений. Учитывая опыт сотрудника, его ответственность и принципиальность, в 2021 году руководством ОВД Алтыарыкского района было принято решение назначить его начальником организационного отделения.



– В наши функции входит организационное обеспечение деятельности РОВД, осуществляем координирующую, контрольную, аналитическую работу, текущее и перспективное планирование. В этом процессе взаимодействуем со всеми подразделениями райотдела, вышестоящими органами, – говорит наш собеседник.





Коллеги отзываются о майоре М. Тажибоеве как о профессионале своего дела, чье мнение ценно и значимо. К нему часто обращаются молодые сотрудники. Наставник всегда готов дать дельный совет, поддержать, оказать практическую помощь.

Абдувосит СИДИКОВ,
соб. корр.

Тўйхат ўрнида

ТАБАРРУК ЁШ ОСТОНАСИДА



Истеъфодаги подполковник Абдурасул Маликов билан суҳбатлашар эканмиз, унинг китобсевар, зиёли инсон эканлигига амин бўлдик. Ўзбек ва жаҳон адабиётининг етук намояндалари, хусусан Юлиан Семёновнинг «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси», «Тирик қолиш буюрилган», Александр Дюманинг «Граф Монте-Кристо», Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», «Уч илдиз» романлари ва бошқа кўплаб асарларни мутолаа қилган Абдурасул ака китобнинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида шундай дедилар:



– Мутолаа – ҳар биримиз, айниқса ёшларнинг жону дили бўлиши керак. Биз, катталар ёшларга китобни шунчаки ўқиш эмас, асарда илгари сурилаётган ғоя, бизни нимага ундаяпти, нимадан қайтаряпти, нимадан огоҳ бўлишга чақирмоқда, деган саволларга жавоб топишни ҳам ўргатишимиз керак. Масалан, Юлиан Семёновнинг «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси» асарини олайлик. Асарнинг бош қаҳрамони Штирлиц душманлар ёнида умуман ухламайди, уйқуси келса ҳам хилват жойда 15 дақиқача мизғиб олади. Сабаби, киши уйқуда бехосдан гапириб юборса, она тилида гапиради. Бундай ҳолда Штирлицнинг разведкачи эканлиги фош бўлиб қолади...

Тошкент вилоятининг Тошкент туманида туғилган Абдурасул ака болалигидан меҳнатсевар, зеҳнли эканлиги билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Ҳарбий хизматдан сўнг Тошкент автомобиль йўллари институтини тамомлади. Кейинчалик ишдан ажралмаган ҳолда ҳозирги Ўзбекистон миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультетида таҳсил олди.

Соҳадаги фаолиятини 1983 йилда Чилонзор тумани ИИБда кадрлар билан ишлаш гуруҳи инспектори лавозимидан бошлаган Абдурасул ака кейинчалик Тошкент шаҳар ИИББ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, Самарқанд шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари, ИИВ Моддий-техника ва ҳарбий таъминот бошқармаси ШТБИБ бошлиғи сингари масъул лавозимларда хизмат қилиб, халқимиз осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшди.

Истеъфодаги генерал-майор Ураимжон Абдураимов, истеъфодаги полковниклар Ҳикмат Ибрагимов, Бахтиёр Носиров каби ўз соҳасининг тажрибали ходимларидан касб сирларини пухта ўрганган А. Маликовнинг ўзи ҳам устозлари каби кўплаб шогирдлар етиштирди. ИИВ ЖХХ ЙҲХББ бошлиғининг 1-ўринбосари, полковник Жамшид Каримов, Тошкент шаҳар ИИББ ЖТСБ ППХ бригадаси батальони командири ўринбосари, полковник Ҳамроқул Ҳайдаров, истеъфодаги подполковниклар Шавкат Муслимов ва Акмал Қорахўжаевлар ҳақли равишда устози билан фахрланади.

Ўғли Алишер Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бошқарма бошлиғининг ўринбосари, яна бир ўғли Музаффар ИИВ Академияси тезкор-қидирув фаолияти кафедрасида катта ўқитувчи, унвони подполковник.

Умр йўлдоши Наима опа билан фарзанду неваралари қуршовида бахтли ҳаёт кечираётган Абдурасул аканинг хонадони бугун яна яқинлари, дўстлари, ҳамкасб ва шогирдлари билан гавжум бўлади. Табаррук 70 ёшни қаршилаётган қаҳрамонимиз босиб ўтилган ҳаёт йўлига назар ташлар экан, юзида мамнунлик ифодаси акс этади. Ҳозирда Тошкент шаҳар ИИББ ЖХХ ЙҲХБ Фахрийлар кенгаши аъзоси ҳамда Ўзбекистон Арбитраж судлари бирлашмаси судьяси сифатида фаолият кўрсатиб келаётган Абдурасул акани таниган-билган инсонлар унга ҳавас қилади. Аслида яшашдан мақсад ҳам шу эмасми?!

Шерзод АБДУСАМАДОВ,
ўз мухбиримиз.

Истеъфодаги полковник Содиқ Исломов узоқ йиллар вилоят ИИБ жазони ижро этиш тизимида оддий ходимликдан тортиб раҳбарлик лавозимигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди. Қарийб 12 йил вилоят ИИБ бошлиғининг жазони ижро этиш бўйича ўринбосари вазифасида хизмат қилиб, ўзига хос маҳорат ва тажриба мактабини яратди.



Содиқ ака 1953 йили Самарқанд вилоятининг Ургут туманида туғилган. Қозоғистоннинг Чимкент шаҳридаги ўрта махсус милиция мактабини тугатган ёш лейтенант Содиқ Исломов 1976 йили Қашқадарё вилояти ИИБ ЖИЭБ 33-ЖИЭКда илк фаолиятини бошлади. Тўққиз йил давомида шу ерда турли лавозимларда ишлаш билан бирга, ИИВ Академиясида сиртдан ўқиди. Ўз устида ишлашни канда қилмайдиган Содиқ акадаги интилиш кейинги йилларда вилоят ИИБ ЖИЭБ 5-Тергов ҳибсхонасида бошлиқнинг биринчи ўринбосари, бошлиқ лавозимларида самарали фаолият кўрсатишига замин ҳозирлади.

Содиқ Исломов 2008 йили вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари – Жазони ижро этиш бўлими бошлиғи лавозимида, полковник унвонида пенсияга чиқди. Мана, 16 йилдирки, бошқарма Фахрийлар кенгаши раиси сифатида фахрийлар ва ходимларнинг беғараз маслаҳатгўйи, ёрдамчисига айланган. Айниқса, ички ишлар органларида хизмат қилиб ногиронликка чиққан, боқувчисини йўқотган, хизмат бурчини бажариш чоғида вафот этган ходимларнинг оила аъзолари ва кекса фахрийлар ҳолидан хабар олиш, моддий ва маънавий кўмак бериш ишларига бош-қош бўлмоқда.

– Содиқ Исломовнинг хизмат фаолияти осон кечмаган, – дейди ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Эркин Норгитов. – У ўз даврида хизматдаги қийинчиликларда тобланган фахрий ходим. Ҳозирги пайтда эса вилоят ИИБ Фахрийлар кенгашининг фаол, тиниб-тинчимас ва фидойи раиси сифатида фахрийлар бошини қовуштириб, ёш ходимларни касбга садоқат руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Табаррук 70 ёш остонасида турган истеъфодаги полковник Содиқ Исломовни вазирлик Фахрийлар кенгаши, кўп минг сонли фахрийлар номидан чин дилдан табриклаймиз.

Истеъфодаги полковник Содиқ Исломов турмуш ўртоғи Дилнура Исломова билан 4 нафар фарзандни эл корига камарбаста қилиб тарбиялашди. Қизлари Сайёра ва Дилбар олийгоҳда ўқитувчи. Ўғли Темур эса тадбиркор.

Дарвоқе, тиниб-тинчимас фахрий 2022 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ҳар бир нуроний – 10 нафар ёшга мураббий» танловининг республика босқичида иштирок этиб, «Энг талабчан нуроний» номинацияси ғолиблигини қўлга киритди.

Бугун қутлуғ ёшни қаршилаётган фахрий ҳамон фаолликни қўлдан бермай келаётир. Фурсатдан фойдаланиб, уни табаррук ёши билан самимий қутлаб, келгуси ишларига омад тилаймиз.

Содиқ РАҲИМОВ,
ўз мухбиримиз.
Қашқадарё вилояти.

Ветераны – наша гордость

«НЕТ МЕЛОЧЕЙ – ЕСТЬ УЛИКИ»

Так считает подполковник в отставке Сергей Александрович Бонадысев, за плечами которого 23 года службы экспертом-криминалистом.



Вот уже 10 лет как Сергей Александрович на заслуженном отдыхе. Однако ветерана нередко можно встретить в УКД ОВД города Самарканда, где он встречается с коллегами, делится накопленным опытом.

С. Бонадысев в 1990 году пришел на службу в ОВД, в отдел военно-мобилизационной работы и гражданской обороны УВД Самаркандской области.

– В 1991 году начальник ЭКО УВД города Самарканда, тогда еще капитан Худойназар Умаров пригласил к себе в подразделение экспертом, – вспоминает наш собеседник. – Несмотря на то, что я прошел специальный курс обучения, поначалу возникали сложности. Но рядом были хорошие наставники – непосредственно сам Худойназар Умаров, мастера своего дела Александр Лапин, Раим Курбанов, которые, не жалея времени, обучали меня тонкостям непростой профессии.

Сергей Александрович считает, что успешный эксперт-криминалист непременно должен быть эрудированным, скрупулезно-методичным, что позволяет уверенно и грамотно выполнять свою работу. А еще необходимо вырабатывать умение рационально организовывать время, эффективно использовать различные криминалистические средства и методы. Эксперту обязательно надо иметь стоическое терпение, аналитическое мышление, уметь в течение долгого времени концентрироваться на исследуемом объекте, быть предельно внимательным, особенно к мелочам.

В 2009 году за многолетний безупречный труд, высокие результаты, достигнутые в служебе, старший эксперт С. Бонадысев был награжден орденом «Дўстлик».

– Время не стоит на месте – меняются подходы к обучению специалистов, совершенствуются методики проведения экспертиз, модернизируется материальная база службы, – делится ветеран. – В годы нашей службы не было цифровой техники, программно-аппаратных комплексов. Радует, что сегодня в подразделении несет службу достойная смена – молодые, грамотные сотрудники, на вооружении которых современнейшее криминалистическое оборудование. Главное, они преисполнены стремления стать настоящими профессионалами.

Замира БАЛТАЕВА,
соб. корр.
Самаркандская область.

Грани мастерства

ВАЖНА ВНИМАТЕЛЬНОСТЬ И СКРУПУЛЕЗНОСТЬ

Сотрудники канцелярий в своем большинстве люди уравновешенные, рассудительные. Ежедневно через их руки проходит масса документации, которую необходимо проанализировать, обработать, отправить адресату.

Рядовой Юрий Атаманов вот уже как 15 лет является начальником канцелярии следственного изолятора № 3 второй региональной территории Департамента исполнения наказания при МВД.

– Не раз предлагали перейти на другую должность, но я всегда отказывался. Как говорится, прикипел душой, – рассказывает Юрий. – Люблю порядок, дисциплину, ценю в людях ответственность. Документация поступает различного уровня. Надо в кратчайшие сроки разобраться, доложить руководству. Исходящая корреспонденция также требует тщательного внимания.

Рядовой Ю. Атаманов в совершенстве владеет государственным языком, отлично знает систему делопроизводства, нормативно-правовые акты, содержащие правила документооборота.

У него были хорошие учителя. На начальном этапе, когда был принят на должность делопроизводителя, его наставником являлась начальник канцелярии учреждения рядовая Нафиса Джурабаева. Когда ее перевели на другой участок службы, она с полной уверенностью рекомендовала Ю. Атаманова на должность начальника канцелярии.

– Капитан Икболхон Тошматова, ныне находящаяся на заслуженном отдыхе, учила меня соблюдению специального режима при ведении делопроизводства, – говорит Ю. Атаманов. – По тем или иным вопросам советуемся с начальником секретариата УВД подполковником Наргизой Бакировой. Наша деятельность требует внимательности, ответственности, в равной степени скрупулезности и терпения.

В ходе беседы Юрий рассказал, что в свободное время много читает – классическую литературу, произведения современных авторов.

– Читать полезно всем и всегда, – убежден он. – К сожалению, сейчас многие часами просиживают за смартфонами, а ведь книги развивают не только интеллект, но и формируют грамотную, правильную речь.

В заключение Юрий Атаманов отметил:

– У меня прекрасная семья – любимая жена Ильмира, трое детей – две дочери и сын. На службе сложился хороший коллектив. Это ли не повод чувствовать себя счастливым...

Борис КЛЕЙМАН,
соб. корр.



На снимке: *рядовой Ю. Атаманов с сослуживцем капитаном С. Раззаковым.*
Андижанская область.

Haqiqat egiladi, ammo sinmaydi

HAYOT YO‘LI BIR TEKIS EMAS

Podpolkovnik Mirmaqsud Mirpo‘latov hozirda Toshkent shahar IIBB huzuridagi Tergov boshqarmasida O‘MIB tergovchisi lavozimida xizmat qilib kelmoqda. Sohada 20 yildan oshiq xizmat qilib, bir qator yutuqlarga erishdi. Shu bilan birga sinovli kunlarni ham boshidan o‘tkazdi. Ana shunday sinovli kunlarida otasi Mirhasan aka, onasi Feruza opa va turmush o‘rtog‘i Yodgoraxon yonida turdi, unga dalda bo‘ldi. Farzandlari – Xonzodabegim, Shahzodabegim, Muhammadyusuf va Muhammadsaidlarning kelajagini o‘ylab, sabr-bardoshli bo‘lishga harakat qiladi.



...Mirmaqsud maktabda tarix va huquqshunoslik fanlarini o‘zgacha qiziqish bilan o‘zlashtirdi. Shu fanlardan o‘tkazilgan olimpiadalarning Olmazor tumani va Toshkent shahar bosqichlarida faxrli birinchi o‘rinni egallagan. Ana shu qiziqish uni ichki ishlar organi xodimi bo‘lishga undagan bo‘lsa, ne ajab.

Olmazor tumani IIB tergov bo‘limida ish boshlagan Mirmaqsud keyinchalik IIV huzuridagi Tergov bosh boshqarmasida faoliyatini davom ettirdi. Ko‘plab jinoyat ishlarini tergov qildi. Jumladan, 2005-yilda Andijon voqealari yuzasidan qo‘zg‘atilgan jinoyat ishlarini tergov qilishda ham faol ishtirok etdi. O‘sha paytlar u 24 yoshda edi. Yosh bo‘lsa-da, ustozlaridan olgan bilim va tajribani ishga solib, qat’iylik bilan ish olib bordi. Bosh prokuraturaning asosiy jinoyat ishidan alohida ish yurituviga ajratilib, Tergov boshqarmasi ish yurituviga topshirilgan jinoyat ishi bo‘yicha tergov guruhiga rahbarlik qildi. Uning xizmatlari e’tirof etilib, bir necha marotaba vazirlik rahbariyati tomonidan rag‘batlantirildi.

Ammo hayot yo‘li bir tekis emas ekan. 2013-yilning may oylari edi. Qahramonimiz bu vaqtda IIV huzuridagi Tergov bosh boshqarmasi bosqinchilik, uyushgan jinoyatchilik va o‘ta og‘ir jinoyatlarni tergov qilish boshqarmasida O‘MIB tergovchisi lavozimida xizmat qilardi. U ichki ishlar organlari safidan nohaq bo‘shatildi. Yolg‘on ariza va ko‘rsatmalarga asoslangan jinoyat ishi hujjatlariga ko‘ra, jinoyat ishlari bo‘yicha Toshkent shahar sudining hukmi bilan 10 yil-u 6 oy muddatga ozodlikdan mahrum etildi. Jazo muddatining ma’lum bir qismini o‘taganidan so‘ng, ozodlikka chiqariladi. Yorug‘ kunlar albatta kelajak. M. Mirpo‘latov kabi ko‘plab aybsiz insonlar oqlandi.

Jinoyat ishlari bo‘yicha Toshkent shahar sudining kassatsiya instansiyasida sud jarayoni qaytadan ko‘rib chiqilib, sud hukmiga ko‘ra, uning harakatlarida jinoyat tarkibi bo‘lmaganligi sababli to‘liq reabilitatsiya qilindi.

2019-yilning dekabr oyida Ichki ishlar vazirining buyrug‘i bilan xizmatga qayta tiklandi.

– Yana o‘zim sevgan kasbimni davom ettirayotganimdan mamnunman, – deydi podpolkovnik Mirmaqsud Mirpo‘latov. – Menga ishonib topshirilgan tergov yo‘nalishidagi nazoratni amalga oshirish, dastlabki tergov masalalariga oid normativ-huquqiy hujjatlarni takomillashtirish borasida takliflar ishlab chiqish orqali samaradorlikni ta’minlashda o‘z hissamni qo‘shmoqdaman. Buning uchun uztozlarim iste’fodagi polkovniklar Qurbonbibi Sultonova, Murod Karimov, Shavkat Usmonov hamda Sergey Shinyayevdan bir umr minnatdorman.

Sarvar SOBIROV,
o‘z muxbirimiz.

Toshkent shahri.

Kasbimdan faxrlanaman

HAVASLINING ISHI O‘NG

«Ilk bor ko‘pkurash musobaqasida «Dik» laqabli xizmat itim bilan qatnashib, g‘oliblik shohsupasiga chiqqanimda, qanchalik mashaqqatli bo‘lmasin, tanlagan kasbimdan faxrlanganim esimda. Jinoyatlarni «issiq izida» ochganimizda ham shu tuyg‘u yuragimni to‘ldirib turadi».



Surxondaryo viloyati IIB JXX JTSB Kinologiya bo‘linmasi 2-kinologiya guruhi komandiri, kichik serjant Furqat Shermo‘minovning gaplarida jon bor. Negaki, har bir inson o‘ziga yuklatilgan vazifani ado etarkan, qilayotgan ishi boshqalarga manfaatli bo‘layotganini bilsa, mamnunlik tuyadi. Demak, vaqtimni behudaga o‘tkazmayapman, kimgadir nafim tegyapti, degan iqror qalbga taskin beradi. Shunda qanday kasbni tanlagan bo‘lmang, uning ortidagi mehnat, uyqusiz tunlar, halovatsizlik – bari-barisi unut bo‘ladi.

Bahor oylarining birida tushdan keyin kinolog Furqat Shermo‘minov «Dik» bilan tezkor-qidiruv guruhi tarkibida tezkor tadbir o‘tkaziladigan joyga otlandi. Termiz shahridagi xonadonlardan biri ko‘zdan kechirildi. Asosiy mas’uliyat Furqat Shermo‘minov va uning xizmat iti zimmasiga tushdi. «Dik» chaqqonlik bilan yotoqxonadagi mebellarni hidladi. Shkaf oldiga kelganida esa, uning eshigini tirnay boshladi. Xodimlar shkaf ichini ko‘zdan kechirishdi va u yerda yelim xaltaga o‘ralgan, hajmi 1 kg 730 gr bo‘lgan gashish giyohvand moddasi borligi aniqlandi.

– Tezkor tadbirlarda aqlli «Dik» hech qachon uyaltirmaydi, – deydi kichik serjant Furqat Shermo‘minov. – Bunday vaqtda u o‘rgatganlarimdanda ziyoda harakat qiladi.

Furqat Shermo‘minov o‘ziga biriktirilgan xizmat iti bilan bir necha marta ko‘pkurash va «A’lochi kinolog» musobaqalarida qatnashib, faxrli o‘rinlarni egallagan. Endilikda qahramonimiz Osiyo mamlakatlari huquq-tartibot organlari o‘rtasida o‘tkaziladigan musobaqalarda ishtirok etishni maqsad qilgan. Shu bois o‘z ustida ishlab, malakasini oshirmoqda.

– Hayotda yaxshi natijalarga erishgan insonlarni kuzatib, ularga havas qilib yashayman, – deydi kichik serjant Furqat Shermo‘minov. – Ularning yutuqlarini ko‘rib, ruhlanaman. Men ham shunday harakat qilishim mumkinligi, inson astoydil intilsa, albatta, maqsadiga yetishi haqida o‘ylayman. Bular menga o‘z ustimda ishlashga turtki beradi. Zero, havas qilib yashagan inson bir kun kelib havasli odamga aylanishiga ishonaman!

Feruza RAHMONQULOVA,
o‘z muxbirimiz.

Surxondaryo viloyati.

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ПРАЗДНИК ЭСТРАДЫ









В городе Ханабаде проходит Международный фестиваль эстрадного искусства «Дунё садолари».

В нем принимают участие творческие коллективы и исполнители из Франции, Германии, Швеции, Чехии, Болгарии, Латвии, Польши, Сербии, Греции, России, стран Центральной Азии. Артисты демонстрируют свое уникальное искусство на площадках и в павильонах, расположенных на территории Центрального парка культуры и отдыха города.

Стабильный правопорядок в Ханабаде обеспечивают сотрудники подразделений УВД Андижанской области.

Соб. корр.

ҲАМШИРАЛАР БЕЛЛАШУВИ



Бухоро вилояти ИИБ Тиббиёт бўлими ходимлари ўртасида «Йилнинг энг яхши тиббий ҳамшираси» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Танловда билими, касбий малакаси, шахсий сифатлари билан ажралиб турадиган, меҳнат фаолияти давомида бошқаларга ўрнак бўлиб келаётган 6 нафар ҳамшира беллашди.

Тўртта шарт асосида бўлиб ўтган кўрик-танловнинг якуний натижасига кўра, фахрли биринчи ўринни Мадина Қодирова, иккинчи ўринни Нигина Очилова ва учинчи ўринни Азиза Музаффарова эгаллади. Шунингдек, яна уч нафар тиббий ҳамшира фаол иштироки учун алоҳида эътироф этилди.

Бундан ташқари, биринчи ўрин соҳибасига кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди. Танлов ғолиблари вилоят ички ишлар бошқармасининг диплом, қимматбаҳо совғалари ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Ш.САФАРОВА,
подполковник.

Бухоро вилояти.



■ Қорақалпоғистон Республикаси

ЗИЁ МАСКАНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида Қўнғирот тумани ИИБда кутубхона ташкил этилди. Мазкур кутубхонада шахсий таркиб сонидан келиб чиққан ҳолда ахборот-кутубхона фонди шакллантирилди.

Эндиликда шахсий таркиб бадиий, публицистик, илмий-оммабоп, ўқув, маънавий-маърифий ва бошқа йўналишдаги адабиётларни мутолаа қилишлари мумкин.

Ўз мухбиримиз.



■ Наманган вилояти

ШАРАФЛИ ХИЗМАТГА БАҒИШЛОВ

Косонсой тумани Ички ишлар бўлими ўз тарихига эга бўлиб, 1974 йилдан фаолият юритиб келади. Туман ИИБ ташкил топгандан буён кўплаб фидойи, жонкуяр, ўз касбига садоқатли ходимлар юрт осойишталиги йўлида хизмат қилишган.



Туман ички ишлар органлари тарихи, бугунги кундаги фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Халқ осойишталиги йўлида» номли китобда бўлим соҳавий хизматлари, мард ва жасур ходимлари фаолияти ҳақида сўз юритилади.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, ҳар бир туман-шаҳар ИИБга бағишланган ана шундай китоблар чоп этилди.

Ўз мухбиримиз.



«Obod va xavfsiz mahalla» tamoyili – amalda

XALQ ROZILIGI YO‘LIDA

Do‘stlik tumani «Manas» mahalla fuqarolar yig‘inida «Obod va xavfsiz mahalla» tamoyili asosida uch kunlik profilaktik tadbirlar o‘tkazildi.

Huquqni muhofaza qilish organlari hamda hamkor tashkilotlar xodimlari, shuningdek, o‘zini o‘zi boshqarish organlari faollaridan iborat ishchi guruh huquqbuzarlik va jinoyatlarning oldini olish maqsadida uyma-uy kirib, aholi muammolarini o‘rgandilar. Bu jarayonda 22 ta nizoli oila a’zolari, 21 nafar ichkilikboz, giyohvandlik vositalari ta’sirida ruhiyatida buzilishi mavjud fuqaro, 5 nafar axloqqa zid turmush kechiruvchi, 31 nafar muqaddam ma’muriy va jinoiy javobgarlikka tortilgan shaxs bilan profilaktik suhbatlar o‘tkazildi.

O‘rganishlar natijasida ichki ishlar organlari xodimlari 10 ta ma’muriy huquqbuzarlik holatini aniqlashdi. Shuningdek, 5 nafar ayolga himoya orderi berildi.

Profilaktik tadbir doirasida kiberjinoyatlar, firibgarlik va o‘g‘irlikdan saqlanishga oid targ‘ibotlar tashkil etildi. Viloyat sog‘liqni saqlash boshqarmasi hamda Do‘stlik tumani tibbiyot birlashmasi shifokorlari tomonidan 246 kishi tibbiy ko‘rikdan o‘tkazilib, aniqlangan kasalliklarni davolash choralari belgilandi. Qolaversa, viloyat IIB huquqiy-psixologik yordam ko‘rsatish va reabilitatsiya qilish sayyor avtobusida psixologik yordamga muhtoj 66 nafar ayolga ruhshunoslar tomonidan ko‘mak berildi. Mahalladagi madaniyat muassasasida esa xotin-qizlar ishtirokida tazyiq va zo‘ravonliklarning oldini olish, depressiyadan chiqish va hayotga ishtiyoqni oshirishga yo‘naltirilgan psixologik trening uyushtirildi.

– Profilaktik tadbir davomida 165 ta xonadonda bo‘lib, mingdan oshiq fuqarolar bilan suhbat o‘tkazildi, – deydi viloyat IIB JXX Huquqbuzarliklar profilaktikasi boshqarmasi boshlig‘ining o‘rinbosari, podpolkovnik Sayyora Xolmirzayeva. – Bu jarayonda aniqlangan muammolarning bir qismiga yechim topgan bo‘lsak, yana bir qismini hal qilish uchun tegishli tashkilotlarga taqdimnomalar kiritildi. Bundan tashqari, aholi bandligini ta’minlash hamda kam ta’minlanganlar, yolg‘iz qariyalar va nogironlarga oziq-ovqat va qishloq xo‘jaligi mahsulotlari yetkazib berildi.

Alijon ABDUSATTOROV,
o‘z muxbirimiz.

Jizzax viloyati.



Viloyat IIB HPB boshlig‘ining yoshlar masalalari bo‘yicha o‘rinbosari, mayor Donobek Karimov mahalladagi shaxmat-shashka to‘garagi faoliyati bilan tanishmoqda.



Do‘stlik tumani IIB Huquqbuzarliklar profilaktikasi bo‘limi profilaktika inspektori, mayor Tohir Ahmedov hamda xotin-qizlar masalalari bo‘yicha katta inspektor, leytenant Sarvinoz Abduvaliyeva aholi muammolarini o‘rganmoqda.



Viloyat IIB HPB boshlig‘ining xotin-qizlar masalalari bo‘yicha o‘rinbosari, podpolkovnik Sayyora Xolmirzayeva manaslik ayollar bilan muloqot o‘tkazmoqda.

Jinoyat muhokamasi

MASTLIK KASRI

Ichkilikbozlik muammo va mashmashalar doyasi, urush-janjalning xamirturushi. Buni hammamiz yaxshi bilamiz. Rost-da, shisha ichida jim turadigan ichimlik odamning ichiga kirgach, nimalarni boshlamaydi, qanchalab oilalarga baxtsizlik keltirmagan, deysiz?!

Joriy yilning 10-iyul kuni kech soat 18:00 larda Buxoro shahrilik ikki ulfat – Sh.T. va R.R. birga spirtli ichimlik iste’mol qilib, mast bo‘lgach, oralarida gap qochib qoladi. Dahanaki jang rostmana janjalga aylanadi. Sh.T. jahl ustida yonida bo‘lgan xo‘jalik pichog‘ini R.R.ning ko‘ksiga uch marotaba sanchadi. Olgan jarohati natijasida R.R. hodisa joyida vafot etadi.



Ushbu holat yuzasidan shahar prokuraturasi tomonidan Sh.T.ga nisbatan O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 97-moddasi 1-qismi bilan jinoyat ishi qo‘zg‘atilib, «qamoqqa olish» tarzidagi ehtiyot chorasi qo‘llanildi. Hozirda ushbu holat yuzasidan dastlabki tergov harakatlari olib borilmoqda.

Yaqinda Buxoro shahrining «Toshmasjid» mahallasida sodir etilgan mazkur jinoyatning muhokamasi o‘tkazildi. Unda viloyat IIB boshlig‘i, polkovnik M. Miralimov hamda shahar hokimi J. Nosirov boshchiligidagi mas’ul sohaviy xizmatlar rahbarlari va mahalla mutasaddilari ishtirok etishdi.

Muhokama jarayonida mahalla hududida yuz bergan mudhish jinoyatning sabablari, kelib chiqishiga imkon bergan shart-sharoitlar birma-bir tahlil qilindi. Shuningdek, jinoyat va huquqbuzarliklarning oldini olish borasida amalga oshirilgan ishlar yuzasidan «Toshmasjid», «Amir Temur» va «Piridastgir» mahallalarining beshlik vakillari, xususan profilaktika inspektorlarining hisobotlari tinglandi.

Shu o‘rinda alohida ta’kidlash joizki, «Toshmasjid» mahallasida o‘tgan hisobot yili hamda joriy yilning shu davriga qadar birorta ham jinoyat sodir etilmagan bo‘lib, ushbu hudud «yashil» toifaga kiritilgan edi. Ammo mazkur mudhish qotillik jinoyatining sodir etilishi mahallada kriminogen vaziyatning salbiy tomonga o‘zgarishiga olib keldi.

Yig‘ilishda shahar hokimi J. Nosirov jinoyatlarning oldini olish bo‘yicha jamoatchilik vakillari yetarli tushuntirish ishlari olib bormaganliklari, yoshi ulug‘lar ham targ‘ibot ishlarida faol qatnashish lozimligini ta’kidlab o‘tdi. Shuningdek, mahalla faollari va boshqalar so‘zga chiqib, jinoyatning sabab va omillariga to‘xtaldilar.

Shundan so‘ng jinoyatning kelib chiqishiga sabab bo‘lgan omillarning oldini olish choralarini ko‘rmagan mutasaddilarga nisbatan keskin ta’sir choralarini qo‘llash yuzasidan qaror qabul qilindi. Mazkur qo‘shma qaror asosida ushbu mahallalar beshlik vakillarining hamkorlikdagi jinoyatchilikning barvaqt oldini olishga doir «xonadonbay», «oilabay» va «fuqarobay» tizim, «Xavfsiz hovli» tamoyili asosida amalga oshirilayotgan keng qamrovli profilaktik tadbirlarni yanada kuchaytirish lozimligiga alohida e’tibor qaratildi.

Shuhrat JALOLOV,
podpolkovnik.
Mirzoqul AHADOV,
o‘z muxbirimiz.

Buxoro viloyati.

Ma’naviyat va ma’rifat darsi

NOVERBAL HARAKATLAR VA SHAXS PSIXOLOGIYASI

Biz nima uchun psixologiyani o‘rganamiz? Insonlar orasida hayot kechirishimiz irodamizga qarshi turli sharoit, holatlarni o‘rganish uchun odamlarning ruhiyatini tushunishni, o‘zimizning ruhiy va shaxsimizga xos alohida xususiyatlarimizni o‘rganishimizni talab qiladi.



Boshqalar bilan ko‘p muloqot qilgan insonlarni biz «eng zo‘r psixolog» deb e’tirof etamiz. Har bir inson o‘zicha psixolog hisoblanadi, chunki hayot uni shunga majbur qiladi. Muhimi atrofimizdagi insonlar nimaga moyilligi, bizdan nimani xohlashayotgani yoki qanday harakatni kutishayotganini aniqlash.

Buning uchun shaxsning xulqi, motivlari, xarakteri, mijozi, qobiliyatlari, xotirasi, irodasi, tafakkur jarayonlarini inobatga olish talab etiladi. Psixologiya ichki ishlar organlari xodimlarining bevosita faoliyati bilan bog‘liq xizmat vazifalarini bajarish vaqtida shaxslar bilan bo‘ladigan murakkab munosabatlarda, muloqot jarayonida xizmat vakolatini suiiste’mol qilishning, fuqarolarning haq-huquqlarini poymol etishning, xato va kamchiliklarning oldini olish usul va vositalarini o‘rgatadi.

Ahamiyatli tarafi, har bir xodim avvalo o‘z imkoniyatlari, kamchiliklari, yutuqlari hamda o‘zining psixologik xususiyatlarini aniq bilib, vaqti kelsa tashxis qo‘yib, tavsiflay olishi zarur hisoblanadi. Biz o‘zimizni qanchalik yaxshi anglasak, boshqa insonlarni shunchalik yaxshiroq tushuna boshlaymiz. Demak, psixologiyaning markaziy tushunchasi bu shaxs.

Shaxs — ijtimoiy munosabatlar mahsuli, ya’ni doimo boshqa insonlar davrasida, ular bilan o‘zaro ta’sirda bo‘ladi. Bu shaxsning eng yetakchi va nufuzli faoliyatlaridan biri muloqot ekanligiga ishora qiladi. Muloqotning turi va shakllari turlichadir. Masalan, bu faoliyat bevosita, yuzma-yuz bo‘lishi, u yoki bu texnik vositalar (telefon, telegraf va shunga o‘xshash) orqali amalga oshirilishi, biror professional faoliyat jarayonidagi amaliy yoki do‘stona muloqot bo‘lishi mumkin.

Insoniy munosabatlar shunday o‘zaro ta’sir jarayonlarki, unda shaxslararo munosabatlar shakllanadi va namoyon bo‘ladi. Bunday jarayon dastlab odamlar o‘rtasida ro‘y beradigan fikrlar, his-kechinmalar, tashvish-u quvonchlar almashinuvini nazarda tutadi. O‘zaro munosabatlarga kirishayotgan tomonlar munosabatdan ko‘zlaydigan asosiy maqsadlari umumiy til topishish, bir-birini tushunishdir.



Psixologik ta’sir turli vositalar yordamida insonlarning fikrlari, hissiyotlari va xatti-harakatlariga ta’sir ko‘rsata

Aslida har bir insonning ijtimoiy tajribasi, uning insoniy qiyofasi, fazilatlari, hattoki, nuqsonlari ham muloqot jarayonlarining mahsulidir. Jamiyatdan ajralgan, muloqotda bo‘lish imkoniyatidan mahrum bo‘lgan odam o‘zida individ sifatlarini saqlab qolishi mumkin, lekin shaxs bo‘lolmaydi. Har qanday muloqotning eng oddiy, sodda vazifasi — suhbatdoshlarning bir-birini tushunishlarini ta’minlashdir. Uning ikkinchi muhim funksiyasi ijtimoiy tajribaga asos solishdir.

Muloqotning yana bir muhim vazifasi — odamni u yoki bu faoliyatga hozirlash, ruhlantirish. Yolg‘izlik va muloqotning yetishmasligi odamda muvozanatsizlik, hissiyotga beriluvchanlik, hadiksirash, xavotirlanish, o‘ziga ishonchsizlik, qayg‘u, tashvish hislarini keltirib chiqaradi. Shaxsning muloqotga bo‘lgan ehtiyojining to‘la qondirilishi uning ish faoliyatiga ham ijobiy ta’sir ko‘rsatadi.

Ijtimoiy psixologiyada psixologik ta’sirning asosan uch vositasi farqlanadi.

1. Verbal ta’sir — bu so‘z va nutqimiz orqali ko‘rsatadigan ta’sirimizdir. Bundagi asosiy vositalar so‘zlardir.

2. Paralingvistik ta’sir — bu nutqni bezovchi, kuchaytiruvchi yoki susaytiruvchi omillar.

3. Noverbal ta’sir. Bunga suhbatdoshlarning nutqsiz, fazoda bir-birlariga nisbatan tutgan o‘rinlari, holatlari, qiliqlari, mimika, pantomimika, qarashlar, bir-birini bevosita his qilishlar, tashqi qiyofa, undan chiqayotgan turli signallar (shovqin, hidlar) kiradi.

Muloqot jarayonida suhbatdoshlar bir-birlariga ta’sir ko‘rsatmoqchi bo‘lishganda, dastavval nima deyish, qanday so‘zlar vositasida ta’sir etishni o‘ylar ekan. Amerikalik mashhur olim Megrabyan formulasiga ko‘ra, birinchi marta ko‘rishib turgan suhbatdoshlardagi taassurotlarning ijobiy bo‘lishiga gapirgan gaplari 7 foiz, paralingvistik omillar 38 foiz va noverbal harakatlar 58 foizgacha ta’sir qilarkan.

Noverbal muloqot so‘zlarga tayanmaydigan harakat va imo-ishoralardan iborat bo‘lgan barcha shakllarni o‘zida mujassam etgan vosita sifatida mashhur. Noverbal signallarni o‘qish samarali muloqotning muhim shartidir. Nima uchun noverbal signallar muloqotda shunchalik muhim?

Birinchidan, inson 70 foizga yaqin ma’lumotni ko‘rish, kuzatish kanallari orqali (vizual) qabul qiladi. Ikkinchidan, noverbal signallar suhbatdoshning haqiqiy hislari va fikrlarini tushunishni taqozo etadi. Uchinchidan, bizning suhbatdoshga munosabatimiz ko‘pincha birinchi taassurot orqali shakllanadi.

Aksar hollarda noverbal muloqot verbal muloqot bilan birga bo‘lishi va bu so‘zning ma’nosini kuchaytirishi yoki o‘zgartirishi mumkin. Nigohlar orqali ishora, yuz ifodasi, masalan, jilmayish, norozilik, hayronlikdan qoshlarning ko‘tarilishi – bularning barchasi noverbal kommunikatsiya.

So‘zlarni qanday talaffuz qilishimiz ham noverbal kommunikatsiyani shakllantiradi. Intonatsiya va ohang, ovoz tembri, nutqning ravonligi kabilar ham shu jumlaga kiradi. Tajribalardan ma’lumki, biz fikrimizni qanday bayon etishimizga qarab, gapning mazmuni ham keskin o‘zgarishi mumkin.

Muloqotga o‘rgatishning muhim yo‘nalishlaridan biri — odamlarni faol tinglashga, bunda barcha paralingvistik va noverbal omillardan o‘rinli foydalanishga o‘rgatishdir. Ko‘p hollarda bizning qanday gapirishimiz talaffuz qilayotgan so‘zlardan muhimroq. Boshqacha aytganda, ko‘p hollarda bizning qanday gapirishimiz aytmoqchi bo‘lgan so‘zimizdan kattaroq ahamiyatga ega.

Shunday qilib, noverbal muloqot orqali suhbatdosh hodisaga o‘zining haqiqiy munosabatini namoyon qiladi. Ushbu holatda sizning vazifangiz esa bunday hodisalarni uning ortida nima yashirinib turganini to‘g‘ri tushunishdir. Bundan tashqari, shaxsiy noverbal muomalani boshqarish va tushunish orqali, siz suhbatdoshingizning ishonchiga kirib borasiz, u bilan kontakt (muloqot)ni tiklay olasiz.

Doniyor MIRZAHMEDOV,
yetakchi mutaxassis-psixolog, kapitan.

Жизнь и судьба

«ВСЕГДА БЫТЬ ОБЪЕКТИВНЫМ» – девиз подполковника в отставке Олима Хамитова

Три десятилетия прослужил в органах внутренних дел Олим Халимович Хамитов.



После окончания Академии МВД Республики Узбекистан герой очерка был назначен следователем следственного отдела тогда еще УВД Бектемирского района столицы. Работал, равняясь на старших товарищей. Его первые наставники полковники Рахмат Ахмедов, Владислав Усманов способствовали профессиональному становлению. Олим Хамитов с благодарностью вспоминает их, то, как они учили тщательно подходить к каждой детали дела, ничего не упускать из внимания.

С течением времени ответственного, инициативного сотрудника назначают начальником отделения по расследованию преступлений против жизни и здоровья граждан. Затем О. Хамитов возглавлял отделение по расследованию преступлений, связанных с наркотрафиком и незаконным оборотом наркотиков, являлся начальником следственных отделов Бектемирского, Мирзо-Улугбекского РУВД, заместителем начальника отдела координации, контроля и информационного анализа – начальником информационно-аналитического отделения Следственного управления ГУВД города Ташкента. В какой бы должности ни трудился, коллеги уважали его за глубокие знания, организаторские способности, прямолинейность.

...В начале 2000-х годов О. Хамитову пришлось столкнуться с непростым делом. Злоумышленник напал на прохожего и отобрал большую сумму денег. В то время улицы не были оборудованы видеокамерами. Опросив пострадавшего и свидетелей, сотрудники вышли на преступника. Но что-то подсказывало следователю – задержали не того. И он оказался прав: брат преступника, внешне очень похожий на него, решил взять вину на себя.

Другое преступление, которое вызвало резонанс, случилось вечером – таксиста ударили по голове и забрали всю выручку. Бандита искали по фотороботу, нашли и задержали. Им оказался один из жителей махалли, который в числе общественных помощников принимал участие в «поиске самого себя», надеясь таким образом запутать следы. Однако провести следователя ему не удалось.

Олим Халимович, благодаря своим неординарным способностям, всегда успешно справлялся с возложенными задачами. При этом его никогда не подводила интуиция.

...На базаре Куйлюк торговля всегда начиналась задолго до рассвета. У продавца из Андижана похитили крупную сумму денег. В темноте мужчина не смог разглядеть нападавшего, но ему показалось, что это его сосед по андижанской махалле. Олим Халимович сразу же выехал в долину. Мать подозреваемого сказала, что сын не выходил из комнаты со вчерашнего дня и еще спит. Следователь пощупал кроссовки мужчины, они были влажные от сырости... Как оказалось, чтобы обеспечить себе алиби, злоумышленник поздним вечером вылез из окна дома и отправился на попутной машине в Ташкент. На Куйлюке он подкараулил соседа, вырвал из его рук деньги и скрылся. Вернувшись в Андижан, проник через окно в свою комнату и притворился спящим...

В течение многих лет службы Олим Халимович расследовал немало сложных, многоэпизодных дел. При этом неукоснительно следуя духу и букве закона, оставаясь принципиальным и объективным.

Бибигуль МУРТАЗАЕВА.
(Фото из архива.)

Молодежь – наше будущее

«ХОРОШАЯ ФИЗИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА – ПОДСПОРЬЕ В СЛУЖБЕ»

В системе органов внутренних дел немало талантливых юношей и девушек. Одни развивают себя творчески, другие – изучают иностранные языки, кто-то добивается успехов в спорте. Одна из них – Азиза Хонтемирова, которая служит в пятом батальоне Управления по обеспечению безопасности на метрополитене.



Азиза родилась в 1997 году в Навоийской области. С ранних лет она выделялась среди сверстниц активностью и решительностью. Исходя из природных данных дочки, родители записали ее в секцию дзюдо. К тому же в их городе – Учкудуке была соответствующая спортивная школа и профессиональный тренер – Олим Кулдошев. Маленькой Азизе понравилось заниматься данным видом спорта. Сила и гибкость позволяли одерживать победы на соревнованиях. Тренер всегда ее поддерживал, он был уверен – Азиза станет чемпионкой. Так и получилось.

Интерес к спорту привел девушку в Чирчикский профессиональный колледж олимпийского резерва, который она, кстати, окончила с отличием. В 2016 году А. Хонтемирова поступила в Узбекский государственный университет физической культуры и спорта. После обучения в вузе была принята в ряды органов правопорядка.

Азиза продолжает активно заниматься дзюдо,



совершенствует спортивное мастерство и в других видах единоборств, участвует в престижных соревнованиях по кикбоксингу и джиу-джитсу. В этом ей помогает опытный наставник – Суннат Тангиров.

Коллеги ценят Азизу за добросовестность, ответственность, дисциплинированность.

– Деятельность стражей порядка предполагает напряженный график, – говорит героиня очерка. – Хорошая физическая подготовка – подспорье в службе. Дзюдо – отличный вид спорта, который развивает не только силу, но и ловкость, координацию, выносливость.

Недавно А. Хонтемирова выступала на республиканских соревнованиях по смешанным единоборствам, которые проходили в городе Самарканде, где заняла призовое второе место, с чем мы ее поздравляем и желаем дальнейших побед.

Дмитрий НИКИТИН,
рядовой.

Касбий маҳорат – юпуқлар омили

БИЛИМ, ТАШАББУС ВА МАҲОРАТ УЙҒУНЛИГИ



Хоразм вилояти ИИБ ЖХХ ЖТСБда ходимларнинг касбий билим ва маҳоратини ҳамда жанговар шайлигини ошириш, маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шахсий таркиб ўртасида ўтказилаётган кўрик-танловлар, мусобақалар, ўқув ва амалий машғулотлар, маънавият ва маърифат дарслари ана шу мақсадларга йўналтирилган.

– Фахрийларнинг бой ҳаётий тажрибаларини ёш ходимларга ўргатиш ҳар жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга, – дейди вилоят ИИБ ППХ батальони командирининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Алижон Давлатов. – Улар иштирокида ўтаётган тадбирлар ходимларнинг она Ватанга муҳаббат, касбга садоқат руҳида тарбиялашда, қолаверса, ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда ўзининг самарали натижаларини беради.

Ходимларнинг турмуш шароитини ўрганиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, хизматини муносиб тарзда баҳолаш ва рағбатлантириш, оила аъзолари билан турли маданий тадбирлар, спорт мусобақаларини ўтказиб бориш хизмат самарадорлигига эришишнинг муҳим жиҳати саналади. Шу боис бу йўналишда ҳам муайян ишлар олиб борилиб, ходимларнинг ижтимоий муаммолари ижобий ҳал этилмоқда. Хизмат фаолияти билан ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган ходимлар рағбатлантириб бориляпти. Мисол учун, жорий йилнинг ўтган даврида жиноятларни фош этишда, қидирувдаги жиноятчиларни қўлга олишдаги фаол иштироки учун 14 нафар ППХ батальони ходими муносиб рағбатлантирилди.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ички ишлар органларининг имижини ошириш ҳамда тизимдаги куч ва воситаларнинг салоҳиятини намойиш этиш мақсадида ўқув муассасаларида техникалар намойиши, кўргазмали чиқишлар ўтказиб келиняпти. Мазкур тадбирларда ППХ батальони шахсий таркиби ҳам фаол қатнашиб, хизмат автомобиллари, скутер, сигвей ва айрим турдаги махсус техника воситаларини намойиш этишяпти.



Амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида катта сержантлар Мақсад Камолов, Сардор Маткаримов, сержантлар Сарвар Отабоев, Ферузбек Бозорбоев, сафдор Наргиза Ўрозбоева сингари ходимлар ўз билим ва иқтидори, спортда эришган ютуқлари билан ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

Худойберган ЖАББОРОВ,
ўз мухбиримиз.

Хоразм вилояти.

Қорақалпоғистон Республикаси

ДОИМ ЁРДАМГА ШАЙ

Профилактика инспектори, капитан Даулетали Аманжолов «Маданият» макон фуқаролар йиғини ҳудудида одамлар тинчлигини бузиб, шовқин-сурон қилаётган маст киши ҳақидаги хабар асосида воқеа жойига етиб борди.



Тартиббузар фуқаро нафақат фуқаролар, балки шу ердан ўтаётган автомашиналар ҳаракатига ҳам халақит берарди. Профилактика инспектори ҳудуддаги деярли барчани танигани учун унга исми билан мурожаат қилиб, аввало, тинчланиб олишини, хатти-ҳаракати нотўғри эканлигини айтиб, ўзи билан бирга кетишини тайинлади. Осойишталик посбонининг жиддий оҳангда айтган гаплари унга таъсир қилдими ёки қилиғидан уялдими, ҳарқалай фуқаро тинчланди.

Капитан Д.Аманжолов ўзига бириктирилган ҳудудда тинчлик-осойишталикни сақлашда намуна бўлиб келаётган ходимлардан бири. Унинг хизматлари туфайли жорий йил бошидан буён Қораўзак тумани «Маданият» макон фуқаролар йиғини ҳудудида бironта жиноят содир этилмагани бунинг тасдиғидир.

– Шу ерда туғилиб, вояга етгани боис Даулеталини ёшлигидан биламан. Доим ёрдамга тайёрлиги боис фуқаролар унга ишонади, – дейди макон фуқаролар йиғини раиси Даулет Атажанов.

Даулетали дастлаб Нукус шаҳридаги Олимпия захиралари коллежида, сўнгра Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетида таҳсил олди. Ўқиш давомида спортнинг волейбол тури билан мунтазам шуғулланиб, қатор мусобақаларда иштирок этди. 2014 йилда илк фаолиятини Хўжайли тумани ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлинмасида бошлади. 2017 йилдан Кегейли тумани ИИБда профилактика инспектори, 2019 йилдан эса Қораўзак тумани ИИБда профилактика инспектори лавозимида фаолиятини давом эттирди.

Ўтган йиллар мобайнида капитан Д.Аманжолов бир нечта жиноятларни фош этишга муваффақ бўлди. Масалан, 2020 йили тумандаги унга бириктирилган «Қоратау» посёлка фуқаролар йиғини ҳудудидаги корхонадан мотор ўғирлаб кетилгани тўғрисида хабар олинди. Профилактика инспектори олиб борган тезкор тадбирлар туфайли ўғрилар моторни ўзгаларга сотаётган пайтда қўлга олинди.

Капитан Д.Аманжолов жамоат ишларида, спорт тадбирларида ҳам фаол. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг волейбол бўйича терма жамоаси аъзоси. Бу йил ушбу жамоа Ўзбекистон Республикаси ИИВ кубоги учун ўтказилган мусобақада, Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида ташкил этилган турнирда биринчи ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

«Маданият» овул фуқаролар йиғини Қораўзак тумани марказидан 14 километр узоқликда жойлашган бўлиб, Тахтакўпир тумани билан чегарадош ҳисобланади. Бу ерда 1086 хонадон бўлиб, унда 6607 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда қорақалпоқ, ўзбек, қирғиз ва қозоқ миллатлари аҳил-иноқ яшаб келмоқда. Аҳоли асосан деҳқончилик ва чорвачилик, шунингдек, паррандачилик ва асаларичилик билан шуғулланади. Ана шундай ҳудудда эл осойишталигини таъминлаш, аҳоли ишончини қозониш йўлида профилактика инспектори, капитан Даулетали Аманжолов каби осойишталик посбонлари туну кун фидойилик билан хизмат қилиб келишмоқда.

Азамат ПИРНИЯЗОВ,
ўз мухбиримиз.

Урок духовности и просвещения

НЕВЕРБАЛЬНЫЕ ДЕЙСТВИЯ И ПСИХОЛОГИЯ ЛИЧНОСТИ

Сотрудников органов внутренних дел должны отличать потребность в интеллектуальном, нравственном и культурном развитии, чувство гражданственности и ответственность.

От личностных качеств, профессиональных способностей, компетентности сотрудников зависит престиж службы, мнение граждан об органах правопорядка как государственной структуры, стоящей на страже их прав и законных интересов.

Важнейшей составляющей правоохранительной деятельности является работа с людьми. От сформированности коммуникативных навыков напрямую зависит эффективность работы сотрудника, достижение им задач оперативно-служебной деятельности. Коммуникативность – черта, необходимая для правильной организации производства различных следственных, оперативно-розыскных, профилактических мероприятий, установления психологического контакта с лицами, подпадающими в сферу деятельности.

Выполняя повседневные обязанности, сотрудники органов внутренних дел общаются с различным кругом лиц. В результате анализа профессиональной деятельности установлено, что действия сотрудников сопровождаются множеством деловых и межличностных контактов с людьми как внутри, так и вне организационной системы, характеризуются быстрой сменой событий, многообразием выполняемых действий. В этих условиях приобретает важное значение обладание такими профессионально значимыми качествами и умениями, как:

– способность располагать к себе людей, вызывать у них чувство доверия;

– способность к быстрому установлению контактов с новыми людьми;

– умение найти нужный тон, целесообразную речевую формулу в зависимости от психологического состояния и индивидуальных особенностей собеседника;

– умение отстаивать точку зрения, вживаться в роль, способность к перевоплощению;

– умение слушать и тактически грамотно переводить разговор на значимые темы;

– умение применять психологические приемы с целью получения значимой информации.

Специфику построения межличностных отношений с гражданами у сотрудников ОВД определяют особые условия оперативно-служебной деятельности, складывающиеся обстоятельства различной сложности и не похожие друг на друга ситуации.

В процессе выполнения своих функций сотрудникам



нередко приходится иметь дело с гражданами, поступки которых не вызывают сочувствия и симпатии. Необходимо обладать умением взаимодействовать с любым человеком вне зависимости от своего расположения к нему, так как от умения строить общение будет зависеть эффективность всей работы в целом.

Невербальное общение – это коммуникационное взаимодействие между людьми без использования слов (передача информации или влияние друг на друга через образы, интонации, жесты, мимику, пантомимику), то есть без речевых и языковых средств. Инструментом такого «общения» становится все тело человека. Распространенное рабочее название, которое широко употребляется, – невербалика, или «язык тела».

В психологии принято считать, что правильная интерпретация невербальных сигналов является важнейшим условием эффективного общения.

Невербальное общение осуществляется на языке движений, интонаций, поз, мимики и жестов. Однако жесты, присущие одному человеку, могут быть вовсе не знакомы другому, что объясняется психологическими особенностями конкретного человека, его культурной, социальной и национальной идентификацией. На какие же невербальные элементы следует обращать внимание во время общения?

Чтобы научиться лучше понимать собеседника и распознавать его скрытые сигналы, для начала следует научиться обращать внимание одновременно на все элементы или средства невербального общения, к ним относятся мимика, жесты, позы, интонация и тембр голоса, визуальный контакт и межличностное пространство.

Мимика – это выражение лица человека, она является главным элементом отображения эмоций и чувств. Позитивные эмоции, например, любовь или удивление, распознать намного легче, чем негативные, к которым можно отнести отвращение или гнев. Эмоции по-разному отражаются на правой и левой стороне лица, ведь левое и правое полушарие мозга выполняют разные функции: правое совершает управление эмоциональной сферой, а левое отвечает за интеллектуальные функции.

Эмоции выражаются в мимике таким образом:

гнев – широко открытые глаза, опущенные уголки губ, «прищуренный» взгляд, сжатые зубы;

удивление – приоткрытый рот, широко открытые глаза и поднятые брови, опущенные кончики губ;

страх – сведенные брови, растянутые губы с опущенными и отведенными вниз уголками;

счастье – спокойный взгляд, приподнятые, отведенные назад уголки губ;

печаль – «угасший» взгляд, опущенные уголки губ, сведенные брови.

Визуальный контакт – этот метод невербального общения, помогает демонстрировать заинтересованность в беседе и лучше понимать смысл сказанного. Во время разговора два человека вместе создают и регулируют степень комфорта, периодически встречаясь взглядом и отводя его в сторону. Пристальный взгляд может сформировать доверие, так и породить дискомфорт.

Особенности визуального контакта позволяют делать выводы о степени заинтересованности в диалоге и отношении к собеседнику:

восхищение – долгий зрительный контакт, спокойный взгляд;

возмущение – пристальный, навязчивый, несколько тревожный взгляд, длительный зрительный контакт без пауз;

расположение – внимательный взгляд, зрительный контакт с паузами каждые 10 секунд;

неприязнь – избегание зрительного контакта, «закатывание» глаз;

ожидание – резкий взгляд в глаза, приподнятые брови.

Чувства и установки людей можно определить по манере сидеть или стоять, по набору жестов и отдельных движений. Людям легче и приятней общаться с теми, кто обладает экспрессивной моторикой, оживленным расслабленным выражением лица. Яркие жесты отображают позитивные эмоции и располагают к искренности и доверию. При этом чрезмерная жестикуляция, часто повторяющиеся жесты могут говорить о внутреннем напряжении и неуверенности в себе.

Невербальное общение становится доступным, а уровень взаимопонимания увеличивается, если вы понимаете позы и жесты вашего собеседника:

критичность – одна рука возле подбородка с вытянутым указательным пальцем вдоль щеки, вторая рука поддерживает локоть;

позитивность – корпус тела, голова немного наклонена вперед, рука немного касается щеки;

недоверие – ладонь прикрывает рот, выражая несогласие;

скука – голова подперта рукой, корпус расслаблен и немного согнут;

превосходство – положение сидя, ноги одна над другой, руки за головой, веки немного прикрыты;

неодобрение – неспокойные движения, встряхивание «ворсинок», расправление одежды, одергивание брюк либо юбки;

неуверенность – почесывание либо протирание ушей, обхватывание одной рукой локтя другой руки;

открытость – руки раскинуты в стороны ладонями вверх, плечи расправлены, голова «смотрит» прямо, корпус расслаблен.

Как вербальные языки отличаются друг от друга в зависимости от типа культур, так и невербальный язык одной нации отличается от невербального языка другой нации.

В то время как какой-то жест может быть общепризнанным и иметь четкую интерпретацию у одной нации, у другой же он может не иметь никакого обозначения или иметь совершенно противоположное значение.

Наиболее серьезная ошибка в изучении невербального общения – стремление выделить один жест и рассматривать его изолированно от других жестов и обстоятельств. Интерпретировать отдельно взятый жест без совокупности других сигналов тела – ввести себя в заблуждение. Поэтому, прежде чем сделать конкретные выводы, нужно учесть все нюансы поведения собеседника, а также его физическое и психологическое состояние.

Дониёр МИРЗАХМЕДОВ,
капитан.

Ижтимоий ҳимоя – устувор

ҲИСОБ-КИТОБ АНИҚЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

Пискент туманида яшовчи Шуҳрат ака ва Дилфуза опа ягона ўғли Улуғбек ички ишлар органларига хизматга киришини айтганида, улар қаршилик билдирмади, фарзандига оқ йўл тилашди.



Дастлабки хизмат фаолиятини Зангиота тумани ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлимида бошлаган Улуғбек бироз муддатдан кейин хизматни ўз мутахассислиги бўйича вилоят ИИББ Молиявий таъминот хизматида давом эттирди.

– Асосий вазифам ички ишлар органлари ходимларининг ойлик иш ҳақи ҳамда унга тенглаштирилган устама ва тўловларнинг ҳисобини юритишдан иборат, – дейди вилоят ИИББ Молиявий таъминот хизмати бош иқтисодчиси, катта лейтенант Улуғбек Маҳмудов. – Аввалига бу борада бироз қийинчиликларга дуч келдим. Аммо, устозим, ҳозирда мазкур хизмат бошлиғи, подполковник Миразиз Мирпўлатовнинг йўл-йўриқ, маслаҳатларига амал қилиб, ўз соҳамни мукаммал ўрганиб келяпман.

Замонавий ҳисоблаш қурилмалари такомиллашиб бориши натижасида, мураккаб топшириқларни бажариш ҳам осонлашиб боряпти. Шунга қарамасдан, масъулиятни йўқотмаган Улуғбек барча рақамларни такроран текшириб, хатоликларнинг олдини олишга ҳаракат қилади. Чунки, битта рақамнинг тушиб қолиши ёки ортиқча бўлиши давлат бюджетига қанчалик зарар келтиришини у яхши билади. Нима бўлганда ҳам хатолик йўқ жойда муваффақият кўзга ташланиб, ҳар жиҳатдан самарадорлик бўлади.

Бугунги кунда Улуғбек оилада ҳам ўз ўрнига эга бўлган меҳрибон ота, жонкуяр оила бошлиғи. Турмуш ўртоғи Мафтунахон билан Отабек исмли фарзандини комил инсон сифатида тарбиялаб келишмоқда.

Михли САФАРОВ,
ўз мухбиримиз.

Тошкент вилояти.

ОИЛА ТИНЧ БЎЛСА...

Ходимнинг оиласида нотинчлик бўлса, турли муаммоларга ўралашиб қолса, табиийки, бу унинг хизмат фаолияти самарадорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ишида унум бўлмай, ўз вазифаларини тўлақонли бажара олмайди. Баъзида эса турли кўнгилсизликлар ҳам юз бериши мумкин.





Ички ишлар органларида йўлга қўйилган «ходимбай» ишлаш усули шу каби ҳолатларнинг олдини олишда анча қўл келяпти. Бу борада ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинларига қарашли Фарғона шаҳридаги 7253-сонли ҳарбий қисм тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўлинмаси томонидан ҳам амалга оширилаётган ишларни таъкидлаб ўтиш жоиз.

Яқинда ҳарбий қисмда шартнома асосида хизмат қилиб келаётган бир ҳарбий хизматчининг юриш-туриши, ўзини тутиши командир эътиборидан четда қолмади. Шахсий мулоқот, оилавий шароитини ўрганиш давомида ўша ҳарбий хизматчи турли кредитлар сабабли моддий жиҳатдан қийналиб, турмуш ўртоғи билан низолашиб қолгани маълум бўлди. Можаролар сабаб оила ажрашиб кетиш ёқасига келиб қолган экан. Ушбу ҳолат маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ва ҳудуд профилактика инспекторини жалб қилган ҳолда ўрганилди. Муаммолар бартараф этилди, оила ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан ижтимоий ҳимояга олинди.

Шу билан бирга, ҳарбий хизматчилар билан доимий равишда якка тартибдаги суҳбатлар олиб борилмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг оилавий аҳволи, яшаш шароити ўрганилиб, муаммо ва камчиликлар ўз вақтида ҳал этилмоқда.

Фарҳод ЭРКИНОВ,
майор.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

БАРИБИР ЖАЗОСИНИ ОЛАДИГАН БЎЛДИ

Наманган вилояти Чуст тумани «Ютмас» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи О.У. Жиззах шаҳрида бир қатор фирибгарликларга қўл уриб, анчагина одамни қақшатди. Натижада, жабрланувчиларнинг мурожаати асосида ички ишлар органлари ходимлари уни тегишли тартибда жиноий жавобгарликка тортиш чораларини кўра бошладилар.

О.У. етказган зарарларини қоплаш ўрнига яширинишни маъқул кўрди. Шу боис жорий йилнинг 1 июлида унга нисбатан қидирув эълон қилинди. Қисқаси, қочоқнинг Намангандаги яширин манзили аниқланиб, қўлга олинди.

УЙ ЁҚИБ ҚОЛГАН ШЕКИЛЛИ...

Жиззах вилояти Зафаробод тумани «Ёрқин» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Ш.С. ички ишлар органларига мурожаат қилиб, Жиззах шаҳрининг «Сангзор» маҳалласида яшовчи Ў.Э.нинг устидан шикоят қилган. Маълум бўлишича, 2022 йилнинг июль ойида Ш.С. устамасини тўлаш шарти билан Ў.Э.дан 13 минг АҚШ доллари миқдорида пул олган. Бунинг учун жабрланувчи Жиззах шаҳрининг «Сангзор» маҳалласидаги уйини Ў.Э.нинг номига расмийлаштириб берган.

Уй ёқиб қолган шекилли, Ў.Э. берган қарзини олмасдан, уйни эгасига қайтаришдан бош тортган. Ҳолат юзасидан тегишли тартибда жиноят иши қўзғатилди.

ЎЗГАНИНГ НОМИГА КРЕДИТ...

Ички ишлар органларига Жиззах вилояти Фориш тумани «Учқулоч» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи М.И. мурожаат қилиб, унга Жиззах шаҳрининг «Олмазор» маҳалласида яшовчи С.М. ҳамда «Наврўз» маҳалласида яшовчи Г.Э. фириб берганлигини билдирган. Маълум бўлишича, ушбу аёллар жабрланувчининг номига банк иловаси орқали 30 миллион сўм кредит олиб, шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборишган. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
ўз мухбиримиз.

Жиззах вилояти.

Лето – веселая пора

ЗАНИМАТЕЛЬНО И ПОЗНАВАТЕЛЬНО

Детский оздоровительный лагерь «Боғбон» расположен в Ходжаабадском районе. За лето здесь отдохнут и наберутся сил более пятисот мальчишек и девчонок в возрасте от семи и до 14 лет.

– Намечено провести пять смен, по десять дней каждая, – рассказывает начальник лагеря Одинахон Болтабаева. – Для ребят созданы все условия: просторные павильоны, игровые и спортивные площадки, бассейн, работает библиотека, действуют спортивные секции, кружки по интересам. По вечерам для малышей на большом экране демонстрируются мультфильмы, те, кто постарше, принимают участие в различных конкурсах. Каждый день в лагере проходит насыщенно и содержательно.

Недавно состоялись такие мероприятия, как «Праздник Нептуна», «Путешествие в мир сказок», «Дисциплина дорожного движения начинается с детства», «Чтобы не было пожара». Победителям вручены памятные подарки.



Для ребят организовываются экскурсии в мемориальный парк Бабура, андижанский зоопарк, урочище Имом ота.

Чтобы ничто не омрачило отдых детей, здесь круглосуточно несут службу стражи порядка из Ходжаабадского РОВД.

Борис КЛЕЙМАН,
соб. корр.

На снимке: *инспектор-психолог группы по работе с несовершеннолетними ОПП ОВД Ходжаабадского района старший сержант Ш. Иброхимов с детьми.*

Андижанская область.

Из следственной практики

ОТЧАЯНИЕ

Ревность, обида, злость, отчаяние… Негативные эмоции порой становятся предпосылками совершения неоднозначных поступков, которые впоследствии могут привести на скамью подсудимых.

В УКД ОВД Мирзо-Улугбекского района столицы обратилась женщина. Было заметно, что она сильно нервничает. Из запутанного рассказа дежурный понял лишь то, что она была обманута. Вызванный сотрудник оперативно-розыскной службы выслушал заявительницу, и, обратив внимание на то, что в ходе беседы она не раз меняла показания, протянул бланк заявления – попросил изложить все письменно, рассчитывая, что это поможет женщине собраться с мыслями. Также сотрудник предупредил ее об ответственности за лжесвидетельство и ложный донос...

37-летняя Шоира (здесь и далее имена изменены) просила принять законные меры в отношении некого Носира. Согласно изложенному на бумаге, Носира она знает не так давно. На днях вновь случайно встретила его на рынке, где «поговорили о том о сем», после чего Носир попросил ее одолжить сотовый телефон для срочного звонка. Шоира передала ему телефон и отошла на несколько шагов, «чтобы не мешать разговору». Она отвлеклась на пару минут, разглядывая товар на прилавке, а когда подняла глаза, то не обнаружила Носира. Женщина бросилась искать молодого человека в толпе, но след его уже простыл.

Стоимость сотового телефона составляла 5 600 000 сумов. Женщина также добавила, что кроме имени и приблизительного места проживания предполагаемого злоумышленника, другой информацией о нем не владеет.

Не прошло и дня, Шоира вновь стояла у УКД ОВД района. В новом заявлении она указала, что тот же Носир, придя в ее дом и угрожая ножом, забрал сотовый телефон стоимостью свыше 5 млн сумов. Кто же этот «Носир», который «охотится» за телефонами Шоиры?



Вскоре личность подозреваемого была установлена. Им оказался 30-летний Носир, который, как оказалось, являлся сожителем Шоиры. Когда сотрудники рассказали мужчине о выдвинутых в отношении него обвинениях, он был шокирован. Носир отметил, что они с Шоирой знакомы около полугода, за последний месяц их отношения испортились. Всему виной ревность, которая вызывала злость и обиду: Шоира боялась потерять его. На эмоциях, желая удержать любимого, она и пришла к решению поступить столь нетривиально.



Шоира не желала сознаваться в факте лжи, но, будучи не в силах противостоять неопровержимым доказательствам, рассказала правду, подтвердив слова и предположения Носира.

По данному факту суд признал Шоиру виновной. Учитывая смягчающие обстоятельства, в том числе наличие у 37-летней женщины на иждивении трех несовершеннолетних детей, применил к ней ст. 72 («Условное осуждение») УК Республики Узбекистан.

Фахриддин БАХРИДДИНОВ,
следователь СО при УКД ОВД Мирзо-Улугбекского района города Ташкента, лейтенант.
Эльвира САЛИЕВА,
сержант.



Tungi reyd

ELEKTRON SIGARETA KIMDAN CHIQDI?

Yurtdoshlarimizning tunni osuda, tinch va xotirjamlikda o‘tkazishi uchun ichki ishlar organlarining boshqa sohaviy xizmatlari qatori, patrul-post xizmati xodimlari ham sidqidildan faoliyat yuritib, jinoyat va huquqbuzarliklarning barvaqt oldini olishga munosib hissa qo‘shib kelishmoqda.

Sohaviy xizmat vakillarining tungi xizmat faoliyatini yoritish maqsadida Toshkent viloyati IIBB 4-mintaqaviy muvofiqlashtirish markaziga borganimizda, markaz boshlig‘ining o‘rinbosari, podpolkovnik Davlat Nazarov tomonidan yo‘riqnoma o‘tkazilayotgandi.

– Tungi xizmatga jalb qilingan xodimlarning asosiy vazifasi xuddi kunduzgidek, aholi tinchligi va osoyishtaligini, fuqarolarning huquqiy manfaatlarini ta’minlashdan iborat, – deydi 4-mintaqaviy muvofiqlashtirish markazi PPX otryadi komandiri, mayor Ilhom Hamidov. – Shu bilan birga, sodir etilishi mumkin bo‘lgan huquqbuzarlik va jinoyatlarning oldini olish, ularning hayoti va sog‘lig‘iga xavf solishi mumkin bo‘lgan har qanday salbiy holatlarga qarshi kurashishga qaratilgan.

Biz otryad komandirining o‘rinbosari, mayor Farrux Yo‘ldoshev va xodimlar bilan birgalikda Yangiyo‘l shahriga yo‘l oldik.

Soat 20:10. Dehqon bozori atrofida xizmat vazifasini o‘tayotgan patrul-post xizmati safdor xodimlari Rustam Qo‘ldoshev va Javohir Rahimov avtomobillar turargohidagi o‘rindiqda «Tinchlik» mahallasida istiqomat qiluvchi fuqaro A. A. mast holda uxlab yotgani ustidan chiqishdi. Kayfi tarang fuqaro shahardagi tumanlararo mastlik holatidagi shaxslarga tibbiy yordam ko‘rsatish punktiga olib borildi. Shifokor bu



kimsaning ahvolini ko‘rib, tibbiy tekshiruvdan o‘tkazganidan so‘ng, u o‘ziga kelgunicha shu yerda qolishini ta’kidladi. Bu haqda osoyishtalik posbonlari tomonidan uning oila a’zolariga ham xabar berildi.

Soat 21:50. Shaharning «Yangibog‘» mahallasi hududida xizmat olib borayotgan patrul-post xizmati safdor xodimlari Tursunali Xolmatov, Sardor Boymatovlar mazkur hududdan oqib o‘tuvchi kanalning yoritilmagan qorong‘i joyida 3 nafar o‘spirin bemaqsad o‘tirgani haqida xabar berishdi. U yerga borganimizda, bolalardan birining sumkasidan elektron sigareta topildi. Hali 15 yoshga ham kirib ulgurmagan o‘spirindan bu kabi matohning chiqishi kishini o‘yga toldiradi. Boz ustiga, yigitchalar vaqt allamahal bo‘lib qolganida, uyidan ancha uzoqdagi pana joyda nima ish bilan mashg‘ul? Ularning bunday yurishidan ota-onalarining xabari bormi?..

Ana shunday savollarga yechim topish maqsadida bolalarni olib, hudud profilaktika inspektori, mayor Shuhrat Azizovning xizmat xonasiga keldik. Profilaktika inspektori darhol ularning shaxsiga aniqlik kiritib, yaqinlarini chaqirtirdi. Farzandlari bu yerga nega olib kelinganidan xabar topgan ota-onalar uyatdan bosh egishdi. O‘smirlarning barcha yaqinlari ularning tarbiyasiga yanada e’tiborli bo‘lishi zarurligi, tunda ko‘chada bemaqsad yurishlariga yo‘l qo‘ymasliklari lozimligi tushuntirildi.

Soat 23:30. Shaharning «Uzumzor» ko‘chasida avtomobilini ilonizi ko‘rinishida harakatlantirib kelayotgan haydovchi xodimning to‘xtash ishorasiga bo‘ysunmasdan harakatlanishda davom etdi. Biroq, buzoqning yugurgani somonxonagacha, deganlaridek, mashina ko‘p o‘tmay to‘xtatildi. «Alkotester» yordamida haydovchining mast holda ekanini tasdiqlagan yo‘l-patrul xizmati xodimi uning boshqaruvidagi «Nexia-2» rusumli avtomashinani vaqtinchalik jarima maydonchasiga olib bordi. Mashina saloni ko‘zdan kechirilganida esa, uning haydovchi o‘rindig‘i tomondagi eshigining yon qismidan kanselyariya pichog‘i, chap tomondagi old eshigining yon qismidan ichilgan holdagi spirtli ichimlik idishi topildi. Holatga tegishli bo‘lgan barcha hujjatlar rasmiylashtirilib, navbatchilik qismiga topshirildi.

– Yo‘l-transport hodisalarining aksariyati haydovchilarning qoidalarga amal qilmasligi va mas’uliyatsizligi oqibatida yuzaga kelmoqda, – deydi Yangiyo‘l shahar IIB YHXB YPX inspektori, safdor Abror Ikramov. – Shu yilning o‘tgan davri mobaynida hududda ko‘plab qoidabuzarliklar aniqlangani buning yaqqol tasdig‘i. Xayriyatki, vaqtida ko‘rilgan ana shunday chora-tadbirlar natijasida ko‘plab yo‘l-transport hodisalarining oldi olinmoqda.

Soat 01:00. Shaharga sukunat cho‘kib, hamma shirin uyquga ketdi. Biz ham poytaxtga qaytar ekanmiz, yo‘l-yo‘lakay xayolimizni bir fikr qamrab oldi: tunlarimiz osoyishta o‘tishi, siz-u bizning xotirjamligimiz o‘z oromidan kechgan ichki ishlar organlari xodimlarining xizmatlariga fidoyilik bilan yondashayotgani sharofati ekanini yana bir bor angladik.

Mixli SAFAROV,
o‘z muxbirimiz.



Yoshlar – kelajak bunyodkori

XATOLAR TO‘G‘RI XULOSAGA YETAKLASIN



Oqdaryo tumani IIB JXX Probatsiya guruhida hozir 369 nafar fuqaro hisobga olingan bo‘lib, ulardan 93 nafariga axloq tuzatish ishlari, 73 nafariga ozodlikdan mahrum qilish, 47 nafariga muayyan huquqlardan mahrum qilish, 4 nafariga sinov muddati, 151 nafariga nisbatan shartli-muddatli jazo chorasi qo‘llanilgan. Probatsiya guruhi xodimlari ular tomonidan takroran qonun buzish holatlariga yo‘l qo‘ymay, risoladagidek hayotga moslashishga ko‘mak berayotir. Sud qarori bilan axloq tuzatish ishlariga hukm qilingan shaxslarni, ularning bandligini nazorat qiladi.

– Ba’zan ish beruvchilar shaxsning sudlanganini eshitishi bilan turli bahonalar topib, rad javobi berish harakatiga tushishadi, – deydi probatsiya guruhi inspektori, katta leytenant Suhrob Botirov. – Hatto uning malakasi ish beruvchining talablariga to‘liq mos kelsa ham. Ammo biron-bir hunarga ega bo‘lgan, o‘z biznesini ochishga tayyor fuqarolar uncha qiynalishmaydi. Shu bois jazoni ijro etish muassasasidan qaytganlarning aksariyati turli pishiriqlar pishirish yoki mebel tayyorlash uchun o‘z sexlarini ochishadi, ular orasida sartaroshlar va tikuvchilar ham bor.

Katta leytenant S.Botirov probatsiya xizmatida faoliyat boshlaganiga ko‘p bo‘lgani yo‘q. Aniqrog‘i, 2020-yilda IIV Akademiyasini tamomlagandan so‘ng Samarqand shahar IIOFMB huzuridagi Tergov bo‘limiga yuborilgan yosh xodim u yerda 2022-yil noyabr oyigacha xizmat qildi. So‘ngra tajriba orttirgan xodimni Oqdaryo tumani IIB Probatsiya guruhiga o‘tkazishdi.

– Men ichki ishlar organlari xodimlari oilasida o‘sganman, kim bo‘lishni bolalikdan tanlab qo‘ygandim, – deydi u. – Bobom, amakim uzoq yillar davomida shu sohada mehnat qilgan. Otam ayni paytda viloyat IIB Jinoyat qidiruv xizmati xodimi, podpolkovnik. Onam Dilfuza Noyabova esa yigirma yildan ortiq vaqt davomida migratsiya va fuqarolikni rasmiylashtirish bo‘limida erkin yollangan xodim sifatida faoliyat olib borgan. Yaqinlarimning xizmati men uchun o‘rnak. O‘zaro suhbat chog‘ida tajribalari bilan o‘rtoqlashishadi, zarur vaqtda maslahatlarini ayashmaydi.

Probatsiya xizmatining o‘ziga yarasha qiyinchiliklari bor, albatta. Buni anglab yetgan qahramonimiz muqaddam sudlanganlar bilan bog‘liq salbiy holatlarning oldini olish maqsadida ular bilan muntazam suhbat o‘tkazadi. Muammolarini o‘rganib, ijobiy hal etishga harakat qiladi.

Zamira BOLTAYEVA,
o‘z muxbirimiz.

Samarqand viloyati.

Tomorqa – oilaviy daromad manbayi

O‘ZINGDA BORIGA NE YETSIN

Ayni yoz chillasida, pishiqchilik mavsumida viloyat IIB JXX HPB ijtimoiy profilaktika bo‘linmasining muhim topshiriqlar bo‘yicha inspektori, podpolkovnik Murodjon Xolmatov navbatdagi mehnat ta’tiliga chiqadi. Xonadonining o‘n sotix tomorqasida yetishtirilgan rezavor ekinlar, mevali daraxtlar hosilini yig‘ib olish unga zavq bag‘ishlaydi. Turmush o‘rtog‘i Xolisxon opa o‘qituvchi. Aynan yozgi ta’tilda oila sohiblari uydagi yumushlarni bajarishadi.

– Hovliga gilos, bodom, olma ko‘chatlari ekkanmiz. Iyun oyi oxirlarida gilosni yig‘ishtirib oldik, daromad ham chakki emas. Navbat bodom va olma hosiliga keldi, yaqin kunlarda yig‘ishtirib olamiz, – deydi Murodjon aka peshonasidagi reza-reza terlarni artarkan. – O‘tgan yili hosil daromadidan onamni Umra safariga jo‘natgandik. Bu yilgi daromadni esa farzandlarimizning ta’lim olishiga yo‘naltirmoqchimiz.



Tomorqaga ro‘zg‘or uchun kerakli rezavor ekinlar ham ekilgan. Bulg‘or qalampiri, bodring, pomidor, baqlajon, loviya shig‘il hosilga kirgan. Makkajo‘xori, sabzi ham tomorqadan chiqadi. Xullas, qozonga solinadigan mahsulotlarning ko‘pini o‘zlari yetishtirishadi.

Darvoqe, podpolkovnik M.Xolmatov xizmatda ham namunali xodim. Viloyat IIB 3-sektoridagi olib borilayotgan ishlar tahlili, axborot tayyorlash, jamlashga bosh-qosh. Topshiriqlarni sidqidildan bajaradi.

Murodjon aka mahallasida ham obro‘-e’tiborga ega. To‘raqo‘rg‘on tumanidagi «Birlashgan» mahallasi ahli u bilan faxrlanishadi. Oilasi ham havas qilgudek. Oilaning to‘ng‘ichi Muzaffar Muhammadjonov «Navbahor farm» yoshlar futbol klubida to‘p suradi. Futbol akademiyasini tugatib, bu yil jismoniy tarbiya yo‘nalishida oliy o‘quv yurtiga hujjat topshirdi. Qizlari Muhtaram, Marhabo maktabda o‘quvchi, kenjatoy Madina esa bog‘cha tarbiyalanuvchisi.

Gulchehra BUVAMIRZAYEVA,
o‘z muxbirimiz.

Namangan viloyati.

BILIMINGIZNI SINAB KO‘RING



Joriy yilning 1-mayidan kuchga kirgan yangi tahrirdagi O‘zbekiston Konstitutsiyasi nechta bo‘lim, nechta bob va nechta moddadan iborat?

A) 6 bo‘lim, 27 bob va 155 ta moddadan.

B) 7 bo‘lim, 28 bob va 150 ta moddadan.

C) 8 bo‘lim, 26 bob va 160 ta moddadan.

D) 10 bo‘lim, 25 bob va 145 ta moddadan.

* * *

Quyidagi fikrlar kimga tegishli ekanligini toping. «Hech narsani bilmasligimni bilganim uchun ham meni donishmand deb hisoblashsa kerak».

A) Suqrot

B) Demokrit

C) Geraklit

D) Aristotel

* * *

Qaysi javobda O‘tkir Hoshimovning «Dunyoning ishlari» qissasiga oid ma’lumot keltirilgan?

A) Ushbu asarda o‘g‘li Oltmishvoy urushga ketgan, xotini Habiba buvi o‘g‘lining diydorini ko‘rmay olamdan o‘tgan, bu ayriliqqa chidolmay esdan og‘ib qolgan Ermon buva haqidagi hikoya mavjud.

B) Ushbu asarda o‘zi nabirasiga so‘zlab bergan ertagidagi kabi bug‘u avlodidan ekanligi bilan faxrlanadigan, to‘y va ma’rakalarda xokisorlik bilan xizmat qiladigan, ammo bu fazilatlari qadrlanmaydigan bobo obrazi mavjud.

C) Ushbu asarda ota-bobolarining urf-odatlari unutilib ketayotganidan iztirobga tushadigan, kolxoz raisi bo‘lgach, onasining vafoti munosabati bilan gazetada yozilgan ta’ziyani or bilgan polvon obrazi uchraydi.

D) Ushbu asarda pochchasining avaylab boqayotgan qimmatbaho qushlariga qatiq (suzma) ichirib o‘ldirib qo‘ygan bolaning holati hajv bilan tasvirlangan.

Salomatlik saboqlari

ZARCHAVA (kurkuma) – TABIIY ANTIBIOTIK

Hindiston, Pokiston va bir qator sharq mamlakatlarida zarchava (kurkuma)ziravor sifatida kundalik taomda iste'mol qilinadi. Bizda ushbu ziravorni asosan katta to'y oshlariga qo'shishadi. Qadimgi tillardan biri bo'lgan sanskrit tilida zarchava ziravori bir qancha ma'nolarga ega. Jumladan, «inson jismidan qurtlarni tushiruvchi», «teri rangi va tanani tiniqlashtiruvchi», «osmondek chiroyli va musaffo» ma'nolarini berishi aytilgan.

Zarchava ildizi – bu kuchli oksidant, kurkumin, deb ataluvchi sariq rangli pigment, shuningdek, kalsiy, temir, yod, fosfor, kalsiy, S va V guruhiga kiruvchi vitaminlar, efir moyi, lakton, alkaloid va boshqa moddalarga boy. U o'tkir, achchiq, burishtiruvchi, qamashtiruvchi mazaga ega. Inson tanasini qizdirish xususiyatiga ega. Uni iste'mol qilish ozg'in yoki to'la kishilarning barchasiga birdek foydali bo'lib, organizmdan zaharli toksinlarni chiqarib yuborish xususiyatiga ega.

Zarchava ichak yo'llarini keraksiz shilliq moddalardan tozalaydi, loyqalangan mikroflorani yanchib, ichak yo'llarining me'yordagi florasini mustahkamlaydi, ovqat hazmini (ayniqsa, hazmi og'ir, quyuq va yog'li ovqat tanovul qilganingizda) yaxshilaydi, oshqozon-ichak yo'llari va oshqozonosti bezi faoliyatining me'yorda bo'lishini ta'minlaydi.



Undan ovqat hazm qilish tizimi illatlari (hazm qilolmaslik, oshqozon o'n ikki barmoq ichak yarasi)ni davolashda foydalaniladi. Oshqozon sokidagi kislota miqdorini pasaytiradi, shu bilan birga yara paydo bo'lish ehtimolining oldini oladi.

Qon aylanishini yaxshilaydi, foydali eritrotsitlar shakllanishiga yordam beradi va zararli trombotsitlarni kamaytiradi, immunitetni mustahkamlaydi. Zarchava eritmasidan yo'g'on ichak saratoniga qarshi kurashda foydalaniladi.

Olimlar zarchava iste'mol qilish xastalarga, surunkali kasalliklar xurujidan keyin zaiflashgan kishilarga, qandli diabet bilan og'riganlarga foydali, deya bejiz aytishmagan.

U bo'g'imlar shishini qaytarib, ijobiy ta'sir ko'rsatadi. O't pufagini tozalaydi, uning tarkibidagi efir moyi bakteriyalar ko'payishining oldini olib, o't pufagidagi organizm uchun foydali safroni ko'payishiga sabab bo'ladi. Olib borilgan tadqiqotlar bu ziravor jigarni zaharli moddalar ta'siridan himoya qilish xususiyatiga egaligini ko'rsatdi.

Zarchava –tabiiy antibiotik. Shamollashga qarshilik ko'rsatuvchi hamda kuchli antiseptik vositadir. U bemor haroratini tushiradi va yo'talni yo'qotadi. Shuning uchun tungi uyquga yotish oldidan yoki ertalab nahorga ichish foydalidir. Zarchava ortiqcha tana vaznini kamaytiradi, yog'li va shirin taomlarni ishtaha bilan yeyishdan qaytaradi.

Oshqozon-ichak va buyrak kasalliklari xurujida, ayollar homiladorligida, 2 yoshgacha bo'lgan bolalarga zarchavani iste'mol qilish tavsiya etilmaydi. Agarda shu kungacha zarchava iste'mol qilib ko'rmagan bo'lsangiz, allergik reaksiyaga o'xshash turli ko'ngilsiz holatlarning oldini olish maqsadida boshlanishiga bir necha kun eng kichik doza – chorak choy qoshiqda iliq suvga qo'shib ichish tavsiya etiladi.

Tavsiyalarga amal qilishdan oldin shifokor bilan maslahatlashing.

ANOR PO'STI FOYDALARI

Quritilgan anor po'chog'ini ko'k choy bilan birga choynakka solib, qaynoq suv bilan damlang. Bu choyni kechasi uxlashdan oldin ichsangiz, tiniqib uxlaysiz.

* * *

Anor po'chog'i qaynatilgan suv bilan og'iz chayqasangiz, tish og'rig'i, milk



yallig'lanishi va shamollashidan xalos etadi. Chunki unda og'iz bo'shlig'idagi bakteriya va viruslarga qarshi kurashish xususiyati mavjud.

* * *

Bundan tashqari, bu qaynatmadan issiqligida tomog'ingizni g'arg'ara qilib, 2–3 osh qoshiq ichib yuborsangiz, tomoq og'rig'i va nafas yo'lidagi shamollashdan qutulasiz.

10 ПРИЧИН ПОСЕТИТЬ БАССЕЙН



1. Плавание сжигает калории. Если в день проводить хотя бы 30-40 минут в бассейне, то можно достичь похудения за короткое время. Плавание способно сжигать такое же количество калорий, как альпинизм или аэробика.

2. В результате систематических занятий в бассейне можно обрести спортивную фигуру. Плавание полезно не только тем, что оно положительно влияет на некоторые группы мышц, а в целом развивает мускулатуру. Поскольку человек пытается удержаться руками на воде, появляется определенная нагрузка на мышцы спины, плеч и груди. В воде сопротивление больше, чем на воздухе, мышцы напрягаются сильнее.

3. Плавание способно снять стресс, успокоить, дать заряд энергии.

4. Заниматься плаванием могут практически все. Если ребенка с раннего возраста приучать к водным упражнениям, то в будущем он будет здоровым и физически крепким.

5. Плавание уменьшает риск сердечно-сосудистых заболеваний. С помощью регулярного посещения бассейна можно повысить выносливость организма.

6. Водные упражнения способствуют улучшению кровообращения.

7. После плавания нет болевых ощущений, как после бега или прыжков.

8. Во время плавания развиваются легкие, улучшается работа дыхательной системы.

9. Вода способна охлаждать тело, не позволяет перегреваться, избавляет от чувства потливости.

10. Многие воспринимают плавание как удовольствие. Иногда намного легче заставить себя пойти в бассейн, чем на пробежку или в спортзал, особенно летним жарким днем.



Перед посещением посоветуйтесь с врачом.

Siz kutgan uchrashuv

«HAYOTIMDAGI HECH BIR BURILISH BEIZ KETMAGAN»

Bugungi suhbatdoshimiz o‘zbek kino san’atining zabardast vakillaridan biri, O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan madaniyat xodimi, aktyor va rejissyor Isamat Ergashev.



— Insonning keyingi taqdirida bolalik yillarining kuchli ta’siri bo‘ladi, deyishadi. O‘zingizning hayotingiz misolida oladigan bo‘lsak, bu gap qanchalik to‘g‘ri?

— 1945-yil 22-fevralda Qozog‘istonning Chimkent shahri Sayram qishlog‘ida tug‘ilganman. Oilada eng katta farzand bo‘lganman. Bolalik yillarim juda qiziq o‘tgan. Tirishqoq, qiziquvchan edim. O‘zimdan katta bolalar bilan yozgi kinoteatr yonidagi daraxtga chiqib, «Janob 420», «Daydi» kabi hind filmlarini tomosha qilardik. Olti yoshimda maktabga borganman. Sinfdoshlarim «keyingi yil 1-sinfni qaytadan o‘qiysan», deb ustimdan kulishardi. Buning oldini olish uchun ham eng a’lochi o‘quvchilardan biri bo‘ldim. Hatto o‘quvchilar yetakchisi vazifasiga ham saylashgan.

Maktabimizda tez-tez teatr aktyorlari bilan uchrashuvlar bo‘lib turardi. Bir safar Nabi Rahimov bilan uchrashuv bo‘ldi. O‘shanda 4-sinfda o‘qir edim. Uchrashuv oxirida «Kimda nima savol bor?» deyishdi. Nabi akadan «Nima qilsam, zo‘r san’atkor bo‘laman?» deb so‘radim. «Oldingga maqsad qo‘ysang, albatta uni amalga oshirishga harakat qil. Ko‘p kitob o‘qi, hayotni o‘rgangin», dedilar. Sinf rahbarimiz hozirgi Toshkent Davlat san’at va madaniyat institutini tamomlagandi. San’atga qiziqishi sabab, kichik-kichik sahna ko‘rinishlari tayyorlardi. Shu tariqa Parda Tursunning «O‘qituvchi» romanidagi bosh qahramonning yoshligini talqin qildim. Ko‘nglimda aktyorlikni eplay olarkanman, degan ishonch paydo bo‘ldi. Uyimiz temiryo‘l vokzaliga yaqin bo‘lgani uchun otaonam «temiryo‘lchi bo‘lasan», derdi (kuladi).

— San’at olamiga ilk qadam qo‘yganingizda qaysi ustozlardan qanday saboqlar olgansiz?

— O‘n olti yoshimda maktabni tamomlab, hujjatlarimni olib, Toshkentga San’at oliygohiga o‘qishga keldim. Juda omad kulib boqqan edi. Qarasam, Nabi Rahimov kurs yig‘ayotgan ekan. Men o‘zimni tanishtirdim. Maktabdagi suhbatimizni yodga oldik. Imtihon paytida bir domla «Bu bog‘chami, nega institutga o‘n olti yoshli bolalarni qabul qilishimiz kerak?» deb qoldi. Shunda Nabi Rahimov «Hammamizga mahorati yoqdi. Muammo nimada – bo‘yi pastligimi? Bir yil kutamiz, bo‘yi cho‘zilmasa, hujjatlarini qo‘liga tutqazamiz», deb meni himoya qildi. Harakatda gap ko‘p ekan, natijani uzoq kutmadim: ham aktyor, ham qilichbozlik bo‘yicha mutaxassis bo‘lib yetishdim. Baxtim shundaki, ulug‘ ustozlardan saboq oldim. Nabi Rahimov, Yo‘ldosh A’zamov, Latif Fayziyev, Uchqun Nazarov, Ravil Botirov filmlarida ikkinchi rejissyor bo‘lib ishladim hamda epizodik rollarni ijro etardim.



«Mehrobdan chayon» filmidan.

Institutni tamomlagach, omadni qarangki, ayni o‘sha paytda menga rejissyor Latif Fayziyevning «Natasha-xonim» nomli filmida Rahim Pirmuhammedovdek yetuk aktyor bilan birga suratga tushish nasib etdi. Shu bahona kinostudiyaga yuz ellik so‘mlik oylik bilan ishga qabul qilishdi. O‘z-o‘zidan hayotim kino bilan bog‘lanib ketdi.

— Ijodiy faoliyatingizni aktyor sifatida boshladingiz. Keyin rejissuraga qo‘l urib, katta yutuqlarga erishdingiz. Ayting-chi, qay birini mashaqqatliroq deb hisoblaysiz?

— Albatta, rejissyorlik. Sababi aktyor faqat o‘z roli uchun javob bersa, rejissyor barcha obrazlar uchun mas’ul. Shuning uchun ham kino yomon chiqsa, rejissyor javob beradi. Yaxshi chiqsa, rejissyorni maqtashadi. 1968-yili To‘g‘on Rejametov, Farhod Aminov, Shirin Azizova, Aziza Begmatovalar bilan birgalikda hozirgi O‘zbek drama teatrini tashkil qilishda bosh-qosh bo‘ldik. Bu orada bir yillik harbiy xizmatni o‘tadim. Qaytib kelganimda kinodan takliflar yog‘ila boshladi. 1972-yili butunlay kinoga o‘tib ketdim.

— Anvar roli sizga katta shuhrat olib kelgan…

— Qodiriyning «Mehrobdan chayon» romani asosida suratga olingan filmdagi Anvar roli mening tashrif qog‘ozimga aylandi. Bordi-yu teatrni tark etmaganimda, bu rol menga nasib qilmasdi. Sira yodimdan chiqmaydi, film xalqqa namoyish etilgach, Yo‘ldosh A’zamov, Nabi Rahimov, Tamara Shokirova va meni televideniyega suhbatga chaqirishdi. Tamara o‘zbekcha gapirolmasdi, Yo‘ldosh aka «Isamat, o‘zbekcha birorta gap o‘rgat», dedi. «Tamara, shunday buyuk aktyorlar bilan bir filmda suratga tushganimdan baxtiyorman!» desang bas, u yog‘ini o‘zim davom ettirib ketaman», deya uqtirdim. Tamara uyiga borsa, onasi «Bu qanaqa yigit, tuppa-tuzuk o‘zbek tilida gapirayotganingda so‘zingni bo‘ldi-ya!» deb jig‘ibiyron bo‘lgan ekan. Ko‘p yillar shu voqeani eslab kulishib yurdik. O‘lmas Alixo‘jayev bilan birga yursak, bizni «Qodiriyning o‘g‘illari», deyishardi.

— Rejissyorlik faoliyatingiz haqida qisqacha to‘xtalsangiz.

— 1988-yili «Tosh sanam» nomli uch qismli film suratga oldim. Muvaffaqiyatli chiqqani uchun Fransiya, Rossiya kabi bir qator davlatlarga bordik. Bir kuni Murod Rajabov «Temir xotin» pyesasini olib keldi. «Keling, Isamat aka, shu pyesa asosida kino olsak, lekin bosh rolni men ijro etaman», dedi. O‘qib ko‘rdim, menga juda ma’qul keldi va bosh rol ijrosida haqiqatda, Murod Rajabovni ko‘rdim. Filmni tomoshabin yaxshi kutib oldi.

O‘z rejissyorligimda 20 dan ortiq badiiy filmlarni suratga oldim. Baxtli aktyor va baxtli rejissyorman. Hayotimdagi hech bir burilish beiz ketmagan, bundan baxtiyorman!

— O‘zbek kinosining hozirgi ahvolidan ko‘nglingiz to‘ladimi?

— Endi davr shunaqa. Bir narsa yaxshi bo‘lmayapti: kinoda tomoshabin yo‘q. Kino va seriallar televideniye buyurtmasi asosida suratga olinyapti.

— Shogirdlaringiz haqida gapirsangiz. Yosh aktyorlar va rejissyorlar orasida kimlardan umidingiz katta?

— Ulug‘bek Qodirov juda yaxshi aktyor. Mana, necha yillardan beri ijod qilib kelyapti. Yolqin To‘ychiyev – eng umidli rejissyorlarimizdan biri.

– «Begona bahor» filmida ota obrazini maromiga yetkazib ijro etgansiz.

– Ha, bu filmda badiiy rahbar edim. Men, rejissyor Ibrohim Rasulov va yosh aktyorlar birga maroq bilan ishlaganmiz. To‘g‘ri, uncha katta rol bo‘lmasa ham, ammo esda qolarli chiqqan. Ushbu obrazning menga yoqadigan jihati shu ediki, aksar o‘zbek oilasida bo‘lgani kabi qaynota doim kelini yonini oladi.

– Yoshlar tarbiyasi haqida fikrlaringiz bilan o‘rtoqlashsangiz.

– Hozirgi yoshlarimiz bilimdon, tirishqoq. Ular kelajak bunyodkori, ertamiz egalaridir. Shogirdlarimga, nabiralarimga qarata «Kimligingni, qanday millat vakili ekaningni unutmagin», deyman. Ajdodlarga munosib avlodlar bo‘lish, har ishga mas’uliyat bilan yondashish lozimligini uqtiraman. Bugun yoshlarda o‘z bilim va qobiliyatini namoyon etish uchun barcha imkoniyatlar mavjud. Ushbu imkoniyatlardan unumli foydalanib, ulkan ishlar qilishning vaqti keldi.

– Mushtariylarimizning ko‘pchiligini tashkil etadigan ichki ishlar organlari xodimlariga tilaklaringiz…

– Tinchlik bor joyda taraqqiyot bo‘ladi. Mana shunday go‘zal diyorda tinch va osuda, farovon hayot kechirishimizda ichki ishlar organlari xodimlarining munosib hissalari bor.

Azizlar, xalq osoyishtaligini ta’minlash yo‘lida hech qachon tolmang! Zero, osoyishta go‘shada bola kulgusi yangraydi, ota-ona qalbi farzand kamolidan quvonchga to‘ladi.

— Mazmunli suhbat uchun rahmat.

O‘z muxbirimiz Madina QAHHOROVA suhbatlashdi.

Mushtariylar fikrlari


SEVIMLI NASHRLARIM

Men Toshkent shahar Olmazor tumani IIOFMB kadrlar bilan ta’minlash guruhi inspektori lavozimida faoliyat olib boraman. Sohada xizmatni boshlaganimga endigina 2 yil to‘ldi. Men sohaning sir-asrorlarini ustozlarim katta serjant O‘tkir Sobirov va Chilonzor tumani IIOFMB boshlig‘ining o‘rinbosari, podpolkovnik Otabek Normamatovdan o‘rgandim.

Ustozlarimdan olgan bilim va tajribalarimni amaliyotda qo‘llab kelmoqdaman.

Shu o‘rinda aytib o‘tishim kerakki, bilimimni boyitishda kitoblar va IIV nashrlari – «Postda–На посту» gazetasi hamda «Qalqon–Щит» jurnali beminnat ko‘makchi bo‘lyapti. Nashrlarning har bir sonini intiqlik bilan kutaman, o‘qib chiqqach, uyimga olib boraman.

Turmush o‘rtog‘im Nilufarxon Toshkent Kimyo xalqaro universiteti talabasi. Shu bilan bir qatorda, endigina bir yoshga to‘lgan qizalog‘imiz Madinaxonning tarbiyasi bilan band. U ham sevimli gazeta va jurnalimizni mutolaa qilishni kanda qilmaydi. Qiziqarli maqolalarni o‘zaro muhokama ham qilamiz. Ayolim she’r ham mashq qilib turadi. She’r yozdi deguncha, birinchi bo‘lib menga o‘qib beradi. Shu paytgacha u «Otajonim», «Kitob», «Vatanimiz harbiylari», «Posbonlar», «Ona», «Yorim», «Boringizga shukur, otajon!», «Vatanim» va «Ustoz» kabi she’rlar yozgan. Quyida uning she’rlaridan birini sizlarga ilindim.



Islom MIRZAAHMEDOV,
katta leytenant.
Toshkent shahri.

BORINGIZGA SHUKUR, OTAJON!

O‘zingizdir metin qalqonim,
Yov yo‘lolmas yuksak qo‘rg‘onim,
Nur porlagan yorug‘ jahonim,
Boringizga shukur, otajon!

Har bir ishda suyangan tog‘im,
Yashnab turgan mehrli bog‘im,
Qadrdonim, yurak ardog‘im,
Boringizga shukur, otajon!

Hayot yo‘llarimda madadkor,
Baxtli bo‘lishimga sababkor,
Siz borsizki, menga zafar yor,
Boringizga shukur, otajon!

Har lahzada meni o‘ylagan,
Chin yurakdan omad tilagan,
Maqsad sari dadil yo‘llagan,
Boringizga shukur, otajon!

Oyog‘imdan chalganda yomon,
Duoyingiz menga yor har on,
Baxtimizga bo‘ling sog‘-omon,
Boringizga shukur, otajon!

Nilufar MIRZAAHMEDOVA.

ORZULAR RO‘YOBGA CHIQAJAK!

Insonning bolalikdagi orzulari bisyor bo‘ladi. Kimdir muallim, kimdir harbiy, yana boshqasi uchuvchi bo‘lishni orzu qiladi. Orzularning ayrimlari ro‘yobga chiqadi, ayrimlari esa xayol qilinganidek qolaveradi.

Dadam Otajon Ro‘zimurodov ichki ishlar organlarida 25 yil xizmat qilgan, iste’fodagi mayor. Dastlab Sirdaryo viloyatining Shirin shahrida qo‘riqlash bo‘limida, so‘ng Yangiyer shahrida profilaktika inspektori bo‘lib ishlagan. Keyinchalik Xovos tumanining Tojikiston Respublikasi bilan chegaradosh bo‘lgan «Karvonsaroy» MFYda profilaktika inspektori lavozimida faoliyatini davom ettirgan. Hozir pensiyada. Demak, sen ham shu kasb egasi bo‘lishni xohlagan ekansan-da, deyishga shoshilmang. Dadamning yo‘lini akam Orifjon Mirzaqulov davom ettiryapti. U Boyovut tumani IIBda xizmat faoliyatini olib bormoqda. Unvoni katta leytenant.

Dadam Ichki ishlar vazirligi nashri – «Postda–На посту» gazetasiga obuna bo‘lardi. Gazetaning yangi soni uyimizga kelar, undagi maqolalarni katta qiziqish bilan mutolaa qilardim. Gazetadagi harbiy libos kiygan xodimlar haqidagi maqolalarni o‘qish juda yoqardi. Shunda men ham shunday insonlar bilan ko‘rishaman va ular haqida maqolalar yozaman, deya xayol qilardim.

Keyinchalik orzularim jurnalistika sohasini tanlashimga va maqolalar yozishimga turtki bo‘ldi. Bu yo‘lda ustozim Ahmadali Shernazarov o‘zining qimmatli maslahatlari bilan yordam beryapti.

Bu yil jurnalistika yo‘nalishi bo‘yicha oliy o‘quv yurtiga hujjat topshirdim. Ishonamanki, ustozlarim ko‘magi va o‘zimning harakatlarim bilan bolalikdagi xayollarim haqiqatga aylanadi. Aytmoqchimanki, inson bir narsani orzu qildimi, shu maqsad yo‘lida astoydil harakat qilishi va izlanishi kerak. Shunda bolalikdagi orzularimiz shunchaki xayol bo‘lib qolmaydi.

Dilbar MIRZAQULOVA.
Sirdaryo viloyati.





Kasaba uyushmasi faoliyatidan

AYOLLAR BAHSI

Ichki ishlar vazirligi markaziy apparatida xizmat qilayotgan xotin-qizlarning jismoniy va jangovar tayyorgarligini oshirish maqsadida «Jar» sport-sog‘lomlashtirish majmuasida badminton va shashka bo‘yicha musobaqa bo‘lib o‘tdi. IIV tarkibiy bo‘linmalari xodimlari birlashgan kasaba uyushma qo‘mitasi tomonidan tashkil etilgan musobaqada 120 nafardan ortiq xodima qatnashdi.

IIV huzuridagi Jazoni ijro etish departamenti 1-mintaqaviy hududi 42-son manzil koloniyasi Tezkor-qidiruv bo‘limi tezkor vakili, kapitan Dildora Tursunovaga badminton bahsida teng keladigani topilmadi. IIV Xalqaro aeroportlarda xavfsizlikni ta’minlash qo‘shinlari qo‘mondonligi vakili kichik serjant Iroda Utegenova shohsupaning ikkinchi pog‘onasidan joy olgan bo‘lsa, Moliya va moddiy-texnika ta’minoti departamenti xodimi kichik serjant Ma’mura To‘xtayevaga uchinchi o‘rin nasib etdi.

Shashka bahslarida IIV Jamoat xavfsizligi departamenti Huquqbuzarliklar profilaktikasi xizmati katta inspektori, mayor Laylo Hazratqulova g‘oliblikni qo‘lga kiritdi.

G‘olib va sovrindorlarga esdalik sovg‘alari topshirildi. Shu bilan birga, «G‘alabaga bo‘lgan ishonchi» va «Faol ishtiroki uchun» nominatsiyalari bo‘yicha ham g‘oliblar aniqlanib, munosib taqdirlandi.

Sherzod DEKANBOYEV,
mayor.

MA'RIFAT BO'STONI

TARBIYA QARZ OLINADI

* Hayotning eng og'ir damlarida yosh bolalar va keksalar bilan muloqot qiling... Bolalar sizni hali hamma narsa yo'qotilmaganiga, qariyalar esa boshdan kechgan hamma narsaga bardosh berib, yengish mumkinligiga ishontiradi.

* Kelishib amalga oshirilgan har qanday ish buyuklashadi, kelishmovchilik bor joyda esa buyuk ishlar barbod bo'ladi.

* Insonlarga ishonch bildira olmaslikning ikki sababi bor. Birinchisi – ularni yaxshi tanimaymiz, ikkinchisi esa ularni juda yaxshi taniymiz.

* Har kim o'z tarbiyasini ota-onasidan qarz olib, so'ngra farzandlariga qaytaradi.

* Do'stlarni haqiqatni yuzga gapirishdek noyob va yoqimsiz qobiliyatga ega bo'lgan dilkash insonlar orasidan toping.

* Unutmang, ba'zan istalgan narsaga ega bo'lmaslik aslida omad kulib boqqanidir.



KAMCHILIKNI FAZILATGA AYLANTIR

Bir shogird tushkun kayfiyatda ustozining yoniga kelib, nolibdi:

– Men shu qadar baxtsizmanki... Aftidan, yomon odam bo'lsam kerak.

Bunga javoban keksa donishmand:

– Sen yomon inson emassan, shunchaki, biroz o'zgarishing kerak, – debdi.

– Qanaqasiga? Agar yomon bo'lmasam, unda nega o'zgarishim kerak?

– Kel, yaxshisi, buni senga amalda ko'rsatib beraman, – tabassum qilibdi ustoz.

U shogirdining qo'liga bir nay tutqazib, istalgan kuyni chalib berishini so'rabdi. Yigit nay chalishni bilmasa-da, uni asta lablariga yaqinlashtirib, teshiklarini birma-bir berkitgancha puflay boshlabdi. Hushtaksimon va xirillagan tovushdan boshqa hech bir kuy chiqmabdi.

– Ko'rdingmi, nima bo'ldi? – debdi ustoz. – Agar sen uni chalishni o'rganib olsang, aytchi, nima o'zgaradi? Nay ham, qo'llar ham, puflash kuchi ham o'sha-o'sha, hatto chalgan ham yana sen bo'lasan. Lekin u ko'ngillarga huzur baxsh etuvchi, ruhni yengillatuvchi musiqaga aylanadi.

Qissadan hissa: nimaiki zarur bo'lsa, hammasi senda bor. O'z fikr-o'ylaring va irodangni uyg'un tarzda boshqarishni o'rgansang, ular qalbing bilan hamohang ravishda «harakat qiladi». Shunda tushunib yetasanki, kamchiliklar aslida, sen hali foydalanishni o'rganmagan eng yorqin fazilatlardan boshqa narsa emas.

BAXTLI BO'LISH – SENING TANLOVING!

Uzoq yillar baxtiyor yashagan va hamisha jilmayib turadigan bir kishi bo'lib, hech kim uni g'amgin holda ko'rmagan ekan. Kunlarning birida odamlar undan buning sababini so'rashibdi:



– Nega hech qachon xafa bo'lib, g'amga botmaysiz? Qanday qilib har doim quvnoq yurishga muvaffaq bo'lasiz? Buning siri nimada?

U kishi yuzida tabassum bilan javob qaytaribdi:

– Men ham bir vaqtlar hamma kabi siqilib, sal narsaga asabiylashar va kayfiyatsiz yurardim. Lekin vaqti kelib, bir haqiqatni anglab yetdim: hayot bu – mening tanlovim, mening hayotim. Ushbu tanlov imkoniyati faqat menga berilgan va faqat o'zimga bog'liq. O'sha kundan buyon har tong uyqudan ko'zlarimni ochib, o'zimga o'zim savol beraman: «Xo'sh, bugun nimani tanlayman: qayg'unimi yoki quvonchni?» Tabiiyki, har doim quvonchni afzal ko'raman va taqdir yo'limda uchragan har qanday muammo-yu qiyinchilikni yaxshilikka deb qabul qilaman. Bor sir shunda.

Sahifa materiallarini Gulchehra AZIMOVA tayyorladi.

KO'NINGDAN OQQAN SUVNING...

Bir tosh bo'lgan ekan. Yaqindan oqib o'tayotgan jilg'a unga beminnat ishlov berib, oftob nurida yal-yal tovlanadigan holga keltiribdi. Biroq vaqt o'tishi bilan jilg'a suvi quribdi, tosh esa tepalikda yotishda davom etibdi. Uning atrofi o't-o'lanlar va turfa dala gullari yashnab yotgan keng yalanglikdan iborat edi. Sal pastroqdan o'tgan asfaltlangan yo'l hamda uning chetidagi silliq va yirik toshlar uyumi tepadan bizning toshga juda yaxshi ko'rinib turardi. Quvnoq jilg'aning odatiy va yoqimli shildiragan tovushidan mosuvo qolgan tosh o'zini yolg'iz his etib, «hayot qaynayotgan» pastdagi yo'lga hasrat bilan boqardi.

Kunlar o'tgani sari uning zerikishi ortib, axiyri, chiday olmay hayqiribdi:

– Axir, yolg'izlikda abadiy umr kechira olmayman-ku! Bu maysa va chechaklardan menga nima naf?! Qaytanga qatnov yo'lida o'z qardoshlarim bilan yelkama-elka yashaganim yaxshi emasmi?..

Shunday deya, u o'rnashgan joyidan qo'zg'alib, zing'illagancha pastga dumalab ketibdi va ko'z ochib-yumguncha o'zi kabi toshlar orasidan o'rin egallabdi.

Har kuni bu yo'lni kimlar bosib o'tmabdi, deysiz! Arava g'ildiragi, sigir, qo'y, echki va otlar tuyoqlari, qo'nji tizzadan baland bashang etiklar... Xullas, «tirbandlikda» qolgan toshni u yoqdan-bu yoqqa tepib o'tishibdi, oyoqosti qilib, loy-balchiqqa g'arq qilib bosishibdi. Tez orada uning avvalgi ko'rkamligidan asar ham qolmabdi. Endi u iforli gullar va turfa o't-o'lanlar gurkirab yotgan tepalikka xomush qarab qo'yar, yo'qotilgan xotirjamligini qaytarish haqida orzu qilishdan boshqa yo'l qolmagandi.

Ba'zan odamlar ham xuddi shunday: jonajon maskanlarini tashlab, shovqin-suronli va gavjum shahar tomon oshiqadilar va u yerda shu ondayoq behalovatlik, so'nmas nafs va bitmas qiyinchilig-u tashvishlar og'ushiga tushib qolishadi.

Маънавият маршрутлари



ПОЙИ КАЛОН АНСАМБЛИ

Инсон ақлу заковати билан яратилган осори атиқалардан бири қадимий Бухоро шаҳридаги Пойи Калон меъморий мажмуасидир. У XII–XVI асрларда қурилган учта иншоот – Калон минораси, Калон масжиди ва Мир Араб мадрасасидан ташкил топган.

Пойи Калон – форс тилидан таржима қилинганда «яқинроқ, яқинида» деган маъноларни англатади. Бундан ташқари, халқ тилида «Пой масжид, Калон мадрасаси» ёки бўлмаса «ҳовли яқинидаги масжид, Мадраса яқинида» деган атамалар билан ҳам аталади.

Манбаларда айтилишича, минорали қалъа VIII асрда араблар томонидан Мовароуннаҳр эгаллаб олинишидан олдин Бухородаги шаҳар қалъаси этагида жойлашган бўлган. XII асрга келиб, Арслонхон шаҳарни қайта ташкил этиш режасини тузади. Шунга кўра, марказий кўчалардан ҳисобланган Бу-Лайса кўчасида, ўша пайтда харобага айланган қалъа қайта тикланган ва шаҳар масжиди кўчирилган. Қўрғондан тахминан бир юз эллик метр жануби-шарқда янги масжид, ёнида эса минора қурилган.

Наршахийнинг фикрига кўра, минора чиройли ишланган, аммо мустаҳкам қилиб қурилмаган экан. Қурилиш ишлари тугагандан сўнг, минора масжид устига қулаб тушади ва унинг учдан икки қисмини вайрон этади. 1121 йилга келиб янги масжид, 1127 йилда эса минора қайта қурилади. Мазкур минора ҳозиргача сақланиб қолинган.

Яна шуни айтишимиз мумкинки, минора Бухоронинг энг баланд биноларидан бири ҳисобланади. Унинг баландлиги 46,5 метр, пастки диаметри эса 9 метрни ташкил қилади. 105 та пиллапоя орқали юқорига кўтарилиш мумкин. Кўплар уни инсоннинг хушбичим қоматига монанд қилиб қурилган, дейди. Оддий ғиштдан шунақанги зеб-зийнатлар берилганки, ҳайратда қоласан, киши. Қадимда у савдо карвонлари учун маёқ вазифасини бажарган.

Бундан ташқари, конструкциянинг ўзи конуссимон шаклда бўлиб, тепасига фонар ўрнатилган. Минора ажойиб ва ноодатий усулда безатилган, цилиндрсимон корпуси текис ва рельефли тошли чизиқлар билан қопланган. Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, ҳар қандай ёруғликда ҳам иншоот ўзининг юмалоқлигини очиб беради.



Қизиғи, Бухорога келадиган йўлларнинг барчаси минорага олиб борган. Қурилганига салкам 900 йил бўлган минорага маъжозий маънода «Боши тошдан» дея таъриф берсак ҳам адашмаймиз. Чунки шўролар босқини пайтида у тўпга тутилган, аэропландан туриб бошига бомба ташланган. Минора қаттиқ шикастланган. Аммо талотўплардан омон қолган. У ўзининг уйғун шакллари ва аниқ чизиқлари билан узоқдан сизнинг эътиборингизни тортади. Агар сиз минорани кўриш шарафига муяссар бўлсангиз, унинг аниқ пропорциялари ва чиройли терилган ғиштига мафтун бўласиз.



XV асрда Арслонхон масжиди ўрнида ҳозирги Калон масжиди қурилган бўлиб, унинг безаклари 1514 йилда якунланган. Шунингдек, Самарқанддаги Бибихоним масжидидан кейин Марказий Осиёда иккинчи йирик масжид ҳисобланади. Ушбу масжид Темурийлар меъморлиги анъаналари асосида яратилган ҳамда сирланган мозаикалар билан безатилган. Масжидга 10 минг киши сиғиши мумкин. Унинг усти очиқ йирик ҳовлиси, ажойиб пештоқлари ва усти ёпиқ айвонлари кишида унутилмас таассурот қолдиради.

Масжиди Калон рўпарасида жойлашган Мир Араб мадрасаси пропорцияси ва симметрияси туфайли ўзидан кейин қурилган масжидлар учун ҳамиша намуна вазифасини ўтаган.

Мир Араб мадрасаси 1535–1536 йилларда Убайдуллоҳхоннинг ишончли одами Яман шайхи Абдуллоҳ маслаҳати билан бунёд этилган. Бино анча катта – 111 та ҳужра ва иккита хоч шаклидаги зални ўз ичига олади. Биринчиси масжид ва маъруза зали сифатида ишлатилган, иккинчисида Убайдуллоҳхон ва яманлик Абдуллоҳ ҳамда бошқаларнинг қабри жойлашган. Бўлғуси имомлар таълим олган Мир Араб мадрасаси кўп йиллар давомида собиқ шўролар иттифоқи даврида амал қилган ягона мадраса бўлган. Сирасини айтганда, бундай меъморий обидаларнинг урушлар, табиий офатлар, асрлар синовидан бизга қадар омон-эсон етиб келиши тақдирнинг бизга катта иноятидир.

Мирзоқул АҲАДОВ,
ўз мухбиримиз.

Бухоро вилояти.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ

Атоқли маърифатпарвар, истеъдодли шоир, машҳур тарбиячи Абдулла Авлоний 1878 йилда Тошкент шаҳрида косиб оиласида дунёга келган.

Абдулла Авлоний ўз уйида «Тараққий», «Шуҳрат» газеталарини чиқарган. Бу газеталар ҳукумат томонидан ёпиб қўйилгач, яширин равишда «Осиё» газетасини нашр эттирган.

Жадидчилик ҳаракати раҳбарларидан бири бўлган Авлоний 1904 йилда Тошкентнинг Миробод маҳалласида жадид мактабини, 1909 йилда «Жамияти хайрия» уюшмасини ташкил этади. Мактаблар учун «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Тарих», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» каби замонаси учун ҳодиса бўлган дарсликларни ёзган.



Ўз шеърларини Ҳижрон тахаллуси билан эълон қилган. Унинг кўп ишлатган тахаллусларидан бири Индамас бўлган. Бундан ташқари, шоирнинг Нобил, Шуҳрат, Сурайё, Шапалоқ, Чол, Чегибой деган тахаллуслари бўлган. У маълум муддат Афғонистон халқ маорифи вазири, сўнг шўролар иттифоқининг Афғонистондаги элчиси вазифаларида хизмат қилган.

Авлонийнинг ўғли Кенжа Авлоний кўп йиллар таълим соҳасида фаолият юритган. Набираси Жамшид Авлоний (фалсафа доктори) ҳам бобосининг изидан бориб илм йўлини танлаган. Нобель мукофоти совриндори Алан Макдиармидга шогирд тушиб, кимё илмини чуқур эгаллаган.

Авлоний ўзбек театри асосчиларидан бири. Таниқли актриса Гавҳар Зокирова эса Авлонийнинг эвараси.

Фикр агар яхши тарбият топса,
Ханжар, олмосдай бўлур ўткир.

* * *

Энг бой мерос – бу яхши тарбия.

* * *

Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур.

* * *


Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумоқ, ўқутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур.

* * *

Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракотимизни ойина каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткур қилур.

Рекомендовано к чтению

УРОКИ «АМЕРИКАНСКОЙ ТРАГЕДИИ»





Книги определяют наши нравственные ориентиры.

События романа «Американская трагедия» Теодора Драйзера происходят в начале XX века. Клайд Грифитс – главный герой произведения. Он стремится к сходству со «стандартом» тех, кто ставит материальные ценности выше духовных, в попытках «пробиться наверх» не брезгует ни подлостью, ни предательством, ни даже преступлением.

Состояние застоя в американском обществе в начале прошлого века отрицательно сказалось на жизни многих семей, в том числе и на семье Клайда. Юноша, стремящийся вырваться из мира, где царят бедность и горечь унылого существования, покидает семью...



В Чикаго он случайно встречается с дядей – Сэмюэлом Грифитсом, владельцем фабрики воротничков, давно не поддерживающим связь с семьей Клайда. Вскоре на фабрике Клайда (как родственника хозяина) назначают начальником в штамповочную. Здесь он знакомится с Робертой Олден – работницей предприятия. Между ними завязываются любовные отношения.

Случай сводит Клайда и с 17-летней Сондрой Финчли – дочерью другого местного фабриканта. Сондра вводит его в круг местной «золотой молодежи». Ее увлечение перерастает во влюбленность, Сондра подумывает о свадьбе.



Неожиданно Роберта Олден сообщает молодому человеку о своей беременности. Роберта добивается у Клайда обещания жениться на ней. Между тем Клайд принят в высшем обществе. Ему приходит мысль: надо избавиться от Роберты – убить ее, тем самым он преодолеет препятствие, стоящее на пути к роскоши и браку с Сондрой.

Клайд продумывает план совершения преступления, после чего приглашает Роберту покататься на лодке. Они отправляются на безлюдное озеро, где девушка тонет. Клайд покидает место преступления, маскируя смерть под несчастный случай...

Убийцу арестовывают на глазах у друзей из высшего общества. Сэмюэл Грифитс решает помочь племяннику, нанимает опытных адвокатов, однако оправдать Клайда не удается – суд присяжных приговаривает Клайда к смертной казни...

– Недавно закончил читать роман «Американская трагедия», – говорит младший сержант Акмал Кудратов. – На протяжении всего произведения Теодор Драйзер в неспешной манере описывает жизненный путь Клайда, как скромный, трудолюбивый молодой человек становится беспринципным лжецом, приспособленцем, а в конечном итоге преступником. Если первоначально Клайд вызывает некоторую симпатию, то к концу романа отношение к нему меняется кардинально. Книга затрагивает вопросы бытия – добра и зла, смелости и малодушия, верности и предательства. По мнению Драйзера, личность должна нести в себе духовное начало: надо уметь любить человека, а не его деньги. Прочитав роман, еще раз убеждаешься в том, что успех и благополучие невозможны без честности.

Соб. корр.

ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ
(с 24 по 30 июля)



Овен. Дела пойдут легко, вы будете себя хорошо чувствовать и преуспеете практически во всех начинаниях. Могут произойти важные события, которые затронут интересы семьи и родных. Стоит задуматься о предстоящем отдыхе и о финансовой стороне вопроса.



Телец. На первый план могут выйти проблемы карьеры. Не взваливайте на себя чужие хлопоты, сосредоточьтесь на своих делах, при этом рассчитывайте на помощь друзей. В выходные отправьтесь за город.



Близнецы. Чувства обретут глубину, а мысли – возвышенность. Есть вероятность, что благодаря приливу творческих сил вам удастся найти нестандартное решение в сложном деле, придумать нечто оригинальное, что принесет вам успех и прибыль.



Рак. Постарайтесь сделать над собой усилие и хорошенько отдохнуть на этой неделе. Не стоит сейчас заострять внимание на вопросах карьеры и материальных благ. Некоторые представители знака на этой неделе займутся масштабными преобразованиями в доме.



Лев. Весьма вероятны позитивные перемены в личной жизни. В среду проявите осторожность на работе – сейчас не время для попыток профессионального роста. Посвятите выходные встречам с родственниками, друзьями.



Дева. Вас ждет признание коллег по работе. В отношениях с близкими проявляйте рассудительность. Уделяйте больше внимания представителям старшего поколения. Период благоприятен для создания в доме уютной обстановки. В воскресенье появится шанс организовать пикник для всей семьи.



Весы. Может навалиться много разнообразных дел, поэтому правильно расставляйте приоритеты. На работе возможно появление нового руководителя, который будет к вам благосклонен. Неделя будет полна деловыми переговорами и бесконечными семейными делами.



Скорпион. Спуститесь на землю и обретите счастье с близким человеком. Есть шанс покорить коллег интересной идеей. В конце недели появится возможность избавиться от проблем с помощью умения пользоваться информацией.



Стрелец. Не стоит превращаться в отшельника, больше общайтесь. Не противьтесь своим интуитивным желаниям. Вас ждет результативная встреча с давним знакомым. Выходные целесообразно провести на природе в окружении близких и друзей.



Козерог. Ваши усилия по продвижению конструктивной идеи окажутся успешными. Общаясь с родными и близкими, не давайте пустых обещаний. В пятницу будьте осторожны и внимательны при выполнении профессиональных задач.



Водолей. Эгоцентризм – не ваш стиль. Не стоит заниматься исключительно самолюбованием. Осмотритесь, кому-то из вашего окружения нужна помощь. Не стоит критиковать коллег, если не хотите попасть под волну негатива.



Рыбы. На этой неделе успех будет зависеть от уверенности в правильности своего выбора и слаженности действий. Не рассчитывайте на других, все делайте сами, а если не можете, строго контролируйте деятельность помощников. В выходные больше времени посвящайте семье и детям.

San’at kundaligi

90-YILLAR AFSONASI

yoxud o‘zimizning «Bolalar»

«90-yillar afsonasi» deya ta’riflanib, minglab muxlislar qalbiga yoshlik zavq-u shavqini ulashgan «Bolalar» guruhi bolalari bugun 40–50 yoshni qoraladi. Quvonarlisi, ayni paytda ham «Bolalar» o‘ziga xos ijrolari bilan barchaga birdek sevimli va qadrlidir.



«Bolalar» kuylar sizlarga» so‘zlari bilan boshlanuvchi qo‘shig‘i «tashrif qog‘ozi»ga aylanib, qisqa vaqtda mashhurlikka erishgan guruhning tashkil topishi haqidagi fikrlarini qo‘shiqchi Tohir Sodiqov ommaviy axborot vositalariga bergan intervyularidan birida shunday xotirlagan:

– Maktabdosh do‘stlarimiz bilan 1989-yili guruh tashkil qilish fikri paydo bo‘ldi. O‘sha yillar Rossiyada «Laskoviy may» guruhi ijodi gullagan yillar edi. Biz ham barcha yoshlar singari ularga havas qilardik, ba’zan o‘xshashga intilardik. Guruhni hatto «Jozibador may» deb nomlamoqchi ham bo‘lganmiz. Bir kuni Ruslan Sharipovning ofisiga borib, shu haqda gaplashdik. Bir payt Bahodir Po‘latov «Bolalar» deb atasak-chi, deb qoldi. Nom barchaga ma’qul bo‘lganidan keyin shunday nomlashga qaror qildik.

Guruhning ilk konsert dasturi 1990-yil 23-fevral kuni «Alpomish» sport saroyi (hozirgi «O‘zko‘rgazmasavdo» markazi)da katta sahnada namoyish qilingan. Oradan uch oy vaqt o‘tmasdan, muxlislardan konsert berish borasida takliflar tushgan va ular «Xalqlar do‘stligi» san’at saroyida konsert berishgan.

Guruhning ilk a’zolari Tohir Sodiqov, Husan Sodiqov, Tofik Marduxayev, Bahodir Po‘latov, Toir Odilov, Ruslan Sharipov, Nargiza Zokirova va Javohir Zokirov. «Bolalar»ning ilk albomi «Esingdami sening...» nomi bilan chiqarilgan bo‘lib, aranjirovkachi Ruslan Sharipov, qo‘shiqlar muallifi Tohir va Husan Sodiqovlar bo‘lgan.

– Jamoamiz katta edi, uning ustiga, diskoteka ruhiyatini yaratish uchun chiroqlar va ovoz kuchaytiruvchi uskunalarni ham o‘zimiz bilan olib yurardik. Endi Toshkentga qaytamiz deganimizda, yana qaysidir viloyat yoki qo‘shni respublikadan taklif tushardi, – deya guruhning ilk muvaffaqiyatli qadamlarini esga oladi Tohir Sodiqov. – AQSHga ilk marta 1995-yili borganmiz. O‘sha yillari kassetalar yo‘qolib, disklar paydo bo‘layotgan edi. «Bolalar» guruhi O‘zbekistonda birinchilardan bo‘lib albomini disk ko‘rinishida chiqargan. Musiqiy albomlar do‘koniga borganmiz. Mamlakat harfini tanlasangiz, u yerdagi mashhur qo‘shiqchilarning nomi chiqarkan. O‘zbekistonlik san’atkorlardan Turg‘un Alimatov, Munojat Yo‘lchiyeva va «Yalla» guruhining albomlari sotilar ekan. Sotuvchiga 10 ta yangi albomimni qoldirib, kartotekaga kiritib qo‘yishini so‘ragandim.

«Bolalar» Markaziy Osiyodagi ijodiy guruhlar orasida birinchilardan bo‘lib AQSHda konsert bergan va iTunesda albom chiqargan sanoqli guruhlardan biri bo‘lgan. Umuman olganda, ijodiy guruhning ijoddagi ilk qadamlaridan tortib keyingi yurishlari ham muvafaqqiyatli davom etgan. Xususan, 2001–2002-yillarda ketma-ket «Zamonaviy estrada musiqa janridagi eng yaxshi guruh» deb tan olingan, 2001-yilda «Kerak emas» qo‘shig‘i uchun «Eng yaxshi qo‘shiq–2001» mukofotiga sazovor bo‘lgan. Guruh yakkaxon xonandasi Tohir Sodiqov O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan artist unvoniga munosib ko‘rilgan.

Bugungi kunga qadar Tohir Sodiqov va «Bolalar» guruhi 280 dan ziyod qo‘shiq, 10 ta klip, 28 ta albom yaratgan. 2000-yilning o‘rtalaridan buyon Tohir Sodiqov o‘zi yakkaxon bo‘lib ham faoliyat yuritmoqda. Lekin guruh ishtirokchilari u bilan birga o‘z chiqishlarini davom ettirishmoqda.

Qalbida san’atga, ijodga munosabatini izhor qilarkan, Tohir Sodiqov shunday deydi:

– Ijodkor odam o‘z ustida tinmasdan ishlashi kerak, shunda uning ijodi bir maromda davom etadi. Tirik ekanmiz, ijod qilishdan, qo‘shiq yozishdan to‘xtamaymiz.

Yaqinda Tohir Sodiqov va «Bolalar» guruhining poytaxtimizdagi «Humo Arena» majmuasidagi konsert dasturi san’atsevar xalqimiz tomonidan iliq kutib olinishi ularga bo‘lgan e’tiborning ifodasidir.

Gulnoza TURG‘UNBOYEVA tayyorladi.



Postda
На посту

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o‘rinbosarlari –
mayor Azizjon FAYZIYEV
kapitan Aziza BOHODIROVA

Mas’ul kotiblar –
Jahongir SHAROFBOYEV
Erkin SATTOROV

Navbatchilar –
Sherzod ABDUSAMADOV
Radik TUMPAROV

Sahifalovchilar –
Zokir BOLTAYEV
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

Fotomuxbirlar –
Abu KENJAYEV
Ikrom HASANOV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo‘yicha:
71-231-38-74;
97-420-89-24

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami h/r 23402000300100001010. Bank kodi 00014. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi g‘aznachiligi. Shaxsiy h/v 47001086026287703110117900l STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo‘lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko‘chirib bosilganda manba ko‘rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O‘zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Alisher Navoiy ko‘chasi 30-uy.

Gazeta O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro‘yxatga olingan.
Buyurtma №V-5542.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 50200 nusxada chop etildi.
Obuna raqamlari:
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko‘chasi 9-uy.